



Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бoshqa шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

20
(765)-son

18-may

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

Ушбу сонда:

ХАЙЪАТ
ЙИФИЛИШИДА

2-БЕТ ➔

ҚЎЛБОЛА
ХАТЖИЛД
КИМНИКИ?

4-БЕТ ➔

НОВОСТИ
В СФЕРЕ ИКТ

6-БЕТ ➔

КОМПЮТЕР
САВОДХОНЛИГИ

11-12-БЕТЛАР ➔

МЕҲР ВА
МУҲАББАТ
ЖАВОҲИРЛАРИ

16-БЕТ ➔



С. НАСЛЕДОВ олган суратлар

BEST SOFT - UZBEKISTAN 2007

17-18 май кунлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида дастурий маҳсулотларнинг «BEST SOFT – UZBEKISTAN 2007» биринчи миллий кўрғазмаси ташкил этилди. Бундай муҳим тадбирни ўтказиш учун бежиз ушбу саналар танланмаган. 2005 йили Халқаро электралоқа иттифоқи 17 майни Халқаро ахборот жамияти куни деб эълон қилган эди. Ўтказилаётган мазкур тадбир халқаро ташаббусга мамлакатимизнинг ўзига хос ҳиссаси бўлади.

3-БЕТ ➔

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов 10 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси саноат ва энергетика вазири Виктор Христенкони қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон билан Россиянинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Малайзия Сайлов комиссияси раиси Тан Сри Дато Сери Хожи Абдул Рашид бин Абдул Раҳмон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзауллубек Абдусаломов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги барча йўналишларда, жумладан, сайлов органларининг ўзаро алоқаларини кенгайтиришга ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

✓ **Пойтахтимизда “Республика болалар кутубхонасини аудио-визуал ускуналар билан таъминлаш” лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Япония ҳукуматининг маданият соҳасидаги беғараз ёрдами дастури доирасида амалга оширилиб, умумий қиймати 28,6 млн. иен (240 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади. Бунинг натижасида кутубхонада замонавий ахборот, Интернет ва медиатеологияни ўзида жамлаган ноёб ахборот интеллектуал марказ ташкил этилди.**

✓ **Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 май куни Ўзбекистон-Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Савдо-саноат палатаси, Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик, Стратегик тадқиқот институти, Савдо-саноат палатаси ва Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этди.**

✓ **Нукусда Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгесининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори, ҳайъат раиси А.АРИПОВ бошқарди.

“Агентликнинг Тошкент, Сирдарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудудларидаги қуйи таркибий бўлимларида 2007 йил I чорак давомида икроминтизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида” Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ҳ.Исаев маъруза қилди.

майти. Таққослаганда, фақат Чирчиқ ва Ангрэн почта алоқа бўлимларида аҳвол қониқарли.

Сирдарё вилоятининг Пахтабод почта алоқаси тармоғида жойлашган бино таъмир-талаб даражада бўлиб, хизмат кўрсатиш зали мавжуд эмас. Ушбу тармоқдаги мавжуд 7та почта бўлимларида телефонлар ишламайди.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Ангрэн почта алоқаси тармоқ-



Жумладан, маҳаллий телефон тармоқларида аналог телефон станциялар рақамли телефон станцияларга алмаштирилган, магистрал тармоқларда рақамли АМТСлар ўрнатилган ва оптик алоқа кабеллари ётқизилган.

«Ўзбектелеком» АК ва уларнинг филиаллари томонидан ҳудудлар бўйича телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини ошириш-

ни бўяш талаб этилади.

Сирдарё вилоятида мачта қурилмаларидан самарали фойдаланиш мақсадида мобил операторлари билан ҳамкорликда фаолият юритиш лозим.

Ҳудудлардаги радиозиттириш ва телевидение узатиш марказлари фаолият юритишлари учун зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Бироқ Тошкент вилоятининг Шоугаз РТС ва 3-радиостанциясида техник ҳужжатлар тўғрисида, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор, Бухоро ва Олот РТСларидаги техник эксплуатация ҳужжатлар тўғрисида талаб даражасида янгилаш зарур.

Ушбу масала бўйича музокараларда Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Ҳужаев, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази бош директори М.Атамухамедовлар сўзга чиқиди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — “2007 йил Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик кўриш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М.Халимуратова ахборот берди. Таъкидланишича, тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2006-2007 йилларда Тайёрлов комиссияси томонидан Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-07)га тайёргарлик ишлари давом эттирилган.

Ўзбекистон Алоқа маъмурияти делегацияси жорий йилнинг 19 февралдан 2 мартгача Женевада бўлиб ўтган Конференцияга тайёргарлик бўйича йиғилиш ишида иштирок этди.

Йиғилишда БРК-07 кун тартибига кирувчи техник, эксплуатация ва регламентар-процедура масалалари бўйича тўлиқ маълумотни ўз ичига олган ҳисоботнинг охириги варианты тайёрланди.

Тайёрлов комиссияси томонидан йиғилиш ҳисоботини инobatта олган ҳолда, БРК-07 кун тартибининг бандлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг яқиний позицияси лойиҳаси тайёрланди.

БРК-07 кун тартибига мавжуд тақсимотдан фойдаланиш шартларини белгиловчи, Радиоалоқа регламентининг процедура ҳужжатларини (низомларини) қайта кўриш, частота полсаларининг қўшимча тақсими бўйича 28та масала киритилган. Ўзбекистон Республикасида йўлдош алоқа тармоқлари ва денгиз хизмати мавжуд бўлмаганлиги сабабли БРК-07 кун тартибининг 1-бандидаги 21та масаладан 16та масала бўйича Ўзбекистон Алоқа маъмуриятининг позицияси белгилаб олинди.

Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси 2007 йил 22 октябрдан 16 ноябргача Женевада Радиоалоқа Ассамблеясида (2007 йил 15-19 октябрь) кейин ўтказилади. Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг 2007 йил 10 апрелдаги 3/1-сонли қарорига мувофиқ, радиочастота органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга Ўзбекистон Республикаси делегациясининг БРК-07да иштирокини режалаштириш учун номзодлар тақдим этиш топширилган. Ҳозирда мазкур қарорни бажариш мақсадида ишлар олиб борилмақда.

Ҳайъатда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ижро интизоми

Маърузачининг таъкидлашича, Агентликнинг Тошкент, Сирдарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудий бошқармаларида мутахассисларнинг фаолиятлари йиллик ва чорақлик иш режаларига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ҳудудий бошқарма фаолияти, шунингдек, вилоятда олиб борилаётган ислотлар, соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ва лицензия талабгорларини кўпроқ жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида мақола ҳамда эълонлар бериш йўлга қўйилган.

Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳудудда ишларни тўғри ташкил этиш ва мувофиқлаштириш талаб даражасида ташкил этилмаган бўлиб, муаммоларни кўтариш, корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш йўллари ишлаб чиқилмаган, яъни вилоят иқтисодий инфраструктура объектларини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш бўйича юзага келаётган муаммолар ўз навбатида ҳокимлик даражасида муҳокама этилмаган.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Тошкент, Сирдарё ва Бухоро филиалларида Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуни барча филиаллар ва почта алоқаси тармоқларида мавжуд бўлиб, раҳбар-ҳодимлар қонун ва унинг моддалари ҳақида тушунчага эга.

Почта алоқаси хизматларидан кенг фойдаланиш мақсадида алоқа бўлимлари мижозлар учун қулай вақтларда (шанба, якшанба кунлари ҳам) фаолият юритиш йўлга қўйилган.

Почта алоқаси бўлимлари билан алоқанинг аксарияти бошқа корхоналар балансида. Тошкент вилоятидаги почта алоқаси бўлимлари жойлашган деярли барча билнолар, Бухоро вилоятидаги Шофиркон почта алоқаси тармоғидан ташқари бошқа билнолар таъмир-талаб, хизмат кўрсатуви ҳодимлар учун етарли иш шартлари яратилмаган, меbel жиҳозлари эскирган, аҳолига хизмат кўрсатиш учун эстетик талабларга жавоб бер-

ларидан ташқари барча бўлимларда реклама сифатидаги ахборот ва маълумотлар оддий қўғозларда чоп этилганлиги боис,

Почта алоқаси бўлимларида мижозлар учун ассортимент бўйича почта маркалари, жумладан, стандарт марка тури жуда кам.

бугунги кунда эскириб, реклама кўринишини йўқотган.

Филиаллар ва алоқа бўлимлари фаолият юритишлари учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик ҳолати ўрганилганда, мазкур ҳужжатлар билан биргана Тошкент вилояти бўйича почта корхоналари 100 фойиз таъминланганлиги маълум бўлди.

Почта алоқаси бўлимларида мижозлар учун ассортимент бўйича почта маркалари, жумладан, стандарт марка тури жуда кам.

2006 йил якуни бўйича Тошкент вилоятида жами 29,1 млн. сўм миқдорига пенсия маблағларини ўғирлаш ва ўзлаштиришнинг 9та ҳолатлари қайд этилган бўлиб, ушбу ҳолатлар сони 2 баробар ошган бўлса-да, маблағ миқдори аксинча 2 марта табага қамайган. Ўғирлик ва ўзлаштириш ҳолатлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги сабабли юзага келган.

Тошкент филиалида икки (Ангрэн), Сирдарё вилоятида (Гулистон) тўртта иш ўринлари орқали янги хизмат турларини жорий этиш йўлга қўйилган. Чирчиқ ва Янгийўл (Тошкент вилояти), Гулистон ва Сирдарё почта алоқаси тармоқларида (Сирдарё вилояти) электрон пул ўқазми хизмати бўйича биттадан иш ўринлари ташкил этилган.

“Ўзбектелеком” АКнинг “Тошкент Телеком”, “Сирдарё Телеком” ва “Бухоро Телеком” филиалларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини бажариш мақсадида телекоммуникация соҳасини модернизациялаш ва тармоқни тақомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

қаратилган тегишли Сифат дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Мазкур дастурларга мувофиқ, тармоқларда капитал ва жорий таъмирлаш, телефон аппаратлари сонини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифатини ошириш, хавфлик-секишмаларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Тизимдаги барча телекоммуникация тармоқлари фаолият юритишлари учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган.

Тошкент вилоятида 177та қишлоқ АТСларининг 141таси, Сирдарё вилоятида 82тадан 70таси ишчи ҳолатда.

Жойларда алоқа кабелларининг ўғирланиши ҳамон содир этилаётганлиги, ўғирликларнинг фош қилиниши даражаси жуда пастиги кўрсатилаётган телекоммуникациялар хизматлари сифати пайсаяшига ҳамда асосий шикоятлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси 2007 йил 22 октябрдан 16 ноябргача Женевада ўтказилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаменти мудири Асрор Эшонқўжаев, Ўзбекистон ИТ-ассоциацияси ижрочи директори Илҳом Абдуллаев, "Coscom" қўшма корхонаси бош директори Абрахам Смит ва бошқалар иштирок эттиди.

— Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари бозори ҳажми бир меъёردа тараққий этмоқда, — деди А.Хўжаев очилиш маросимида. — Ушбу жараёнда дастурий маҳсулотлар соҳасининг жадал ривожланиб бораётгани ҳам муҳим ўрин тутди. Дастурлаш саноти ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда унинг маҳсулотлари иқтисодийнинг барча соҳалари кўрсаткичлари ва сифатини янада юқори даражада кўтаришга ёрдам бермоқда. Бу бежизга эмас. Бугунги кунда дастурий таъминотдан фойдаланмасдан туриб замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тасаввур қилиб бўлмайди. Дастурий маҳсулотларнинг "BEST SOFT — UZBEKISTAN 2007" биринчи миллий кўргазмаси иштирокчиларини табриклар эканман, ушбу кўргазманинг мамлакатда

BEST SOFT — UZBEKISTAN 2007

Ахборот технологиялари йўналишида дастурий маҳсулотларнинг ўрни беқисс: биз доимий равишда мурожаат қиладиган компьютер технологиялари дастурий таъминотсиз оддий жиҳозга айланиб қолади; дунёнинг энг бадавлат кишиси — Билл Гейтс компьютер дастурлари ҳисобидан миллиардлар эгасига айланган; бугунги кунда катта эҳтиёж билдирилаётган соҳа вакиллари ҳам айнан дастурчилар ҳисобланади... Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Қисқаси, дастурий маҳсулотлар корхона ва ташкилотларга катта миқдордаги маблағнинг тежаллиши ва иш самарадорлигининг ошишига қўнғидан ёрдам беради.

эришилган натижаларнинг намойиши ва дастурий маҳсулотлар соҳасида фуқароларнинг ахборотга эга бўлиш даражаси ошишида катта аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мазкур кўргазма ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва аҳолига мамлакатда дастурий таъминот бўйича лойиҳаларни яратиб тажрибаси ҳақида маълумот бериш кенг қўламли тадбирга айланди. Унда элиқандан ортқ маҳаллий ва халқаро ИТ-компаниялар иштирок эттиди.

Сўнгги йилларда мамлакат дастуриалаш саноти сезиларли даражада ўсишга эришди. Маълумотларга кўра, сўнгги икки йил

ичида республикаимиз дастурий маҳсулотлар бозори ҳажми 40 фоизга ўсган. Бундай кўрсаткичнинг қайд этилиши соҳага давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ихтисослашган компанияларга солиқ тўлашда катта имтиёзлар берилгани бунга мисол бўла олади.

Кўргазмани айланиб, ҳақиқатда ҳам мамлакатимизда дастурий таъминот билан шуғулланувчи компаниялар сони ва уларнинг фаолият турлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлиб, Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жаҳон стандартларига жавоб бера-

диган ва кенг қамровли: компьютер ўйинларидан тортиб, то мураккаб бошқарув тизимларигача бўлган дастурий маҳсулотларни истеъмолчиларга тақлиф этмоқдалар. Ташкил этилганига кўп бўлмаган компаниялар ҳам қисқа вақт ичида ўз мижозларини топиб улгурган. Қувонарлиси, ёшларимиз ушбу жараёндан четда туришгани йўқ. Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази техник директори Абдувоитжон Ғофуровнинг таъкидлашича, ёш дастурчилар томонидан икки йил ичида йигирмадан ортқ дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шунингдек, марказ битирувчилари турли дастурлаш ташкилотларида самарали меҳнат қилишмоқда.

1993 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "FIDO-BIZNES" компанияси эса мамлакат дастурлаш бозорининг йирчи вакилларида бирига айланган.

— "FIDO-BIZNES" томонидан ҳукумат, банк, санот тизими учун дастурлар яратилади, — дейди компания етакчи мутахассиси Иброҳим Жумабоев. — Улар қаторида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўлиmlарида йўлга қўйилган пул-тезкор жўнатиш хизмати дас-

турини ҳам тилга олиш жоиз. Мазкур дастур бошқа пул ўтказиш дастуриларидан бироз фарқ қилади. Ўзбекистон ҳудудида онлайн тизимида ишлайдиган бу дастур пулни санокли давқикаларда ўз эгасига етказиш имконини беради. Яъни, пул жўнатиётган киши пулни қабул қилиши керак бўлган шахсга қўнғироқ қилиб, уни хабардор қилгунга қадар маблағ белгиланган жойга етиб борган бўлади.

Кўргазма доирасида семинарлар, конференциялар, дастурлар тақдими то намоёйиши ўтказилиб, соҳада эришилган сўнгги натижаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба алмашилди. Шунингдек, кўргазманинг иккинчи кунда "Энг яхши дастурий маҳсулот — йил маркази", "ИТ-таълим соҳасидаги энг яхши компания", "2006 йилнинг энг яхши жорий этиш лойиҳаси" номинациялари бўйича республика танловлари ғолиблари аниқланиб, уларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Хуллас, биринчи миллий кўргазма потенциал эксконентларга ўз маҳсулотларини илгари суриш ва уларнинг тақдимотини ўтказиш, бюортмачиларни ахборот билан таъминлаш ва янги ҳамкорлик шартномалари тузиш ҳисобига бизнесни кенгайтириш, истеъмолчиларга эса маҳсулот ва хизматлар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Суғурта барқарорликни таъминлайди

Суғурта соҳаси нисбатан кеч пайдо бўлишига қарамастан иқтисодийнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Маълумотларга кўра, иқтисодий тараққиётда юксакликка эришган мамлакатларда мавжуд барча хавф-хатарларнинг қарийб 90-95 фоизи суғурта қилинаркан. Бу ҳолатни ўша юрларда мазкур тизимни амалга оширишга доир мукамал механизмларнинг ишлаб чиқилганлиги ва албатта, аҳолининг суғурта маданияти юксаклиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда юртимизда, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта ҳимоясига олиш қай даражада ташкиллаштирилгани, бу соҳани ривожлантириш учун қандай тадбирлар қўрилаётганлиги, умуман, суғуртанинг фойдаси нимда эканлиги барчамизни қизиқтириши табиий. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "ALSKOM" қўшма суғурта компанияси томонидан ташкиллаштирилган "Суғурта — алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси барқарорлигини таъминлашнинг муқобил усули сифатида" мавзусидаги республика семинарида шу каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Мазкур таълим семинарга тақлиф этилган турли корхона ва ташкилотлар вакиллари суғурта муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, корхоналарда риск-менеджмент тизимини шакллантириш ва ахборот рискларини суғурталаш механизмни жорий этиш масалалари, соҳа корхоналари фаолияти барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган айрим суғурта турлари тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Айтиш жоизки, эндиликда бошқа соҳалар қаторида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам суғурта муносабатларини ўрнатилиш даражасининг ошиб бораётганлиги сезилмоқда. Бу бир томондан соҳа корхоналарида замонавий хизмат турларининг ўлаштирилиши билан изоҳланса, иккинчи томондан мамлакатимизда суғурта муно-

сабатларига жиддий эътибор қаратилаётгани натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ҳамда соҳада қабул қилинган қарор ва буйруқларда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда соҳада суғурта муносабатларининг Ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган. Ушбу концепция негизини соҳа суғурта компанияси фаолият ва имкониятларини кенгайтириш ҳисобига соҳанинг барча фаолият йўналишларини қамраб оладиган ягона суғурта механизмини шакллантириш ташкил этади.

1996 йилда ташкил этилган "ALSKOM" қўшма суғурта компанияси қисқа вақт ичида мамлакатимиз суғурта бозорининг энг фаол иштирокчилари қаторидан жой олди. Компания Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги махсус лицензияси асосида суғурта тармоқлари классификаторида мавжуд 17та суғурта тоифасидан 11таси бўйича жами 35та ихтиёрий ва 2та мажбурий суғурта турини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Республикаимизда компаниянинг жами 8та ҳудудий ваколатхонаси мавжуд.

Сўнгги пайтларда суғуртанинг асосий турлари бўйича соҳа корхоналари билан шартномаларни расмийлаштириш жараёнлари сезиларли равишда ўсиб бормоқда. 2006 йилда 82та ана шундай шартнома тузилиб, жами 70,5 миллиард сўмлик суғурта қавоғарлиги олинди. Соҳа корхоналарига суғурта хизмати кўрсатишдан тушган бадал компания умумий портфелининг 66,87 фоизини ташкил этади. Соҳа ташкилотларининг компания портфелидаги умумий улуши камайиб борапти, аммо, шунга қарамастан, йиғилаётган суғур-



та бадаллари умумий миқдорининг ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат иқтисодийнинг бошқа тармоқларида ҳам компания фаол иш бошлагани билан изоҳланади.

Ҳозирда соҳада амалга оширилаётган янги инвестицион лойиҳаларни ҳам суғурта ҳимоясига олиш йўлга қўйилган. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК ва Республика радиоалоқа, радиосиҳттириш ва телевидение маркази томонидан соҳага киритилаётган янги ускуналар суғурта ҳимоясига олинмоқда.

Компания соҳа корхоналарига нафақат суғурта хизматлари истеъмолчиси, балки унинг профессионал иштирокчиси бўлиш имкониятини ҳам яратмоқда. Бундан ҳамкор томон 25 фоизлик даромад улушини олади. Шу ўринда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан ҳамкорликда яқна тартибдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш полисларини мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб сотиш кенг йўлга қўйилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Жорий йилнинг 25 апрелига қадар жами 30359 донга суғурта полиси сотилиб, йиғилган бадал миқдори 28,6 миллион сўмни ташкил этди. Албатта, фақат полисларни сотиш билан чегараланмай, улар бўйича содир бераётган суғурта ҳодисалари бўйича тўловлар ҳам ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бориляпти.

Соҳада суғурта муносабатларини такомиллаштириш борасида талай муаммолар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб

бўлмайди. Ҳозирга қадар соҳадаги мавжуд 71 корхона ва филиалнинг фақат 31таси суғурта компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиб шартнома расмийлаштирган. Хориждан катта миқдордаги валюта эвазига келтирилган ва ўта эҳтиёткорликни талаб қилувчи қимматбаҳо асбоб-ускуналар ва давлат аҳамиятига молик қатор алоқа объектлари суғурта ҳимояси билан етарлича таъминланмай қоляпти. Давлат маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган аксарият қурилиш-монтаж ишлари суғурта ҳимоясисиз қолдирилмоқда. Алоқа операторлари ва интернет-провайдерларнинг мижозларини суғурталаш бўйича ишлаб чиқилган суғурта компанияси дастури жойларда деярли татбиқ этилмапти. Соҳа ходимларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, ихтиёрий тиббиёт суғуртаси, ҳаёт суғуртаси, хорижга чикувчиларни тиббиёт харажатларидан суғурталаш борасидаги қатор муаммолар жойларда ечимини топгани йўқ.

Юқоридаги сингари муаммолар деярли аксарият соҳа корхоналарида учрайди. Шу боис, семинарда ўртага ташланган тақлиф ва мулоҳазалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Зеро, мукамал ишлаб чиқилган суғурта режасигина ҳар қандай корхона келгуси фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг биринчи қафолати бўла олади.

Собит АҲАДОВ, "Xabar" муҳбири

● XALQARO HAYOT

ТИНЧ ИШЛАШГА ҚЎЙИНГ...

Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти дунё меҳнат тармоғидаги камситишлар ҳақида 166 бетдан иборат ҳисобот тайёрлади.

Ҳисоботда иш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилишининг барча кўринишлари мавжудлиги қайд қилинган. Ишчилар ҳуқуқлари борасидаги қонунбузарликлар айниқса ривожланаётган мамлакатларда юқориликка қолмоқда.

Кейинги йилларда меҳнат бозорида аёлларнинг фаолияти сезиларли ўсганлиги кузатилган. 1995 йилдан 2004 йилгача тадқиқот ўтказилган 174 мамлакатда ишчи кучи аёллар ҳисобига 3,5 фоизга ўсган. Бу кўрсаткич Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида янада юқори — 5,8 фоиз. Қизиги, Европада ишчи кучидаги аёллар ҳиссаси 62,2 фоиздан 60,9 фоизгача камайган. Европа Иттифоқининг ўзида эса 57,9 фоиздан 60,4 фоизга ўсган.

Ривожланаётган мамлакатларда аёлларга арзон ёки текин ишчи кучи сифатида қаралмоқда. Масалан, Жанубий Осиёда аёлларнинг 16,5 фоизига ҳақ тўланадиган кишлоқ хўжалиги секторида банд. Ҳатто, ривожланган давлатларда ҳам ҳамон эркак ва аёллар меҳнатига ҳақ тўлашдаги фарқ сақланиб қолмоқда. Швеция, Норвегия ва Австралияда бу фарқ 10 фоизни ташкил қилади. Ботсванада 50, Баҳрайнда эса 55 фоиз.

Ирқий ва этник камситишлар ушбу иллатларга қарши жиддий курашаётган мамлакатлар (Бразилия ва ЖАР)да камаймоқда. Бошқаларида эса тобора авж олмақда.

АҚШда иш берувчилар ёш қора танли эркакларни "ишқас, каззоб ва бебош" ҳисоблайдилар. Шу боис, улар орасида ишсизлар кўп, ишлайдиганларининг ҳам иш ҳақи оқ танлиларникига нисбатан кам.

Дунё бўйича 86 миллион атрофида ишчи-мигрантлар ҳисобга олинган. Европада улар ишчи кучининг 10 фоизини, Форс кўрφαзи мамлакатларида эса 50 фоизини ташкил этади. Ноқонуний мигрантлар доимо терисининг ранги, тили ҳамда этникида бўйича муаммоларга дуч келади, улар судга мурожаат қилиш, тиббий ёрдам, айниқса, таълим олиш имконига эга эмас.

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

Ливия етакчиси Муаммар Каддафий Фаластиннинг "Маан" агентлигини судга бермоқчи.

"Биз ушбу агентлиқни судга берамиз, — деди полковник "Ал-Жазира" телеканали орқали қилган чиқишида. — Токи, бундан кейин ҳеч ким озгига келганини гапирмасин ва жавобгарликдан қочмасин".

Гап шундаки, "Маан" агентлиги Каддафийнинг инсулт бўлиб қомада ётганлиги ҳақида хабар тарқатган эди. Бундан сал кейин Каддафийнинг ўзи Италия бош вазирига кўнғироқ қилиб, ҳамма ишлари жойида эканлигини, соғлиги билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоси йўқлигини маълум қилган.

ЖАК ШИРАК ФОНДИ

Франция президенти Жак Ширак 16 май куни ўз курсисини мамлакат янги раҳбари Саркозига топширди. Аммо у халқроқ сийсат майдонидан бутунлай кетмоқчи эмас.

Британиянинг The Times газетаси ёзишича, Ширак ҳам Билл Клинтон ва бошқа таниқли сийсатчилар сингари ўз номи билан аталувчи фонд ташкил қилди. Мақсади — глобал исси ва унинг оқибатларига қарши курашиш, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга, асосан, африкаликларга ёрдам кўрсатишдир. У бу борада ўзининг халқроқ сийсатдаги узоқ йиллик тажрибасига таянмоқчи.

Жак Ширак фонди президенти 74 ёшли Мишел Камдессо ушбу мақсад учун Ширакда гайрат, куч-қувват етарли эканлигини таъкидлади. "Фонд ишини олға қараб юргизишда у ҳақиқий локомотив", қўшимча қилди у.

ОДАМ "САВДОГАРИ" УШЛАНДИ

Россия Федерацияси бош прокуратураси хабарига кўра, Москвада одам савдоси бўйича жиноий бизнес ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинган Ави Янай исми Исроил фуқароси қўлга олинди.

Исроил ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари ушбу шахс Хайфа судида икки марта суд қилинганини маълум қилди. Унга одам савдоси ва фирибгарлик бўйича жиноий иш кўзатирилган.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙУЛДОШЕВ тайёрлади



● IJTIMOYIY HIMOYA YILI DAVLAT DASTURI AMALDA

ЭЪЗОЗЛИ кунлар

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали жамоалари 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда касб байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари хонадонларида бўлиб, уларга пул мукофотлари, совға-саломлар топширишди.

Маъмур Тўйчиев, Жўрабой Қурбонов, Мамасодиқ Мамаюсупов, Маматқул Маҳкамов, Антонина Рудина... "Фаргона Телеком" филиали жамоаси улар билан фахрланади. Уруш йилларида ҳам, урушдан кейинги тикланиш даврида ҳам бу муҳтарам инсонлар жасорат ва матонат кўрсатиб яшаганлар.

Сохибназар Худойназаров

(Фаргона тумани), Йўлдошали Тўлаев (Данғара), Файзи Раҳимов (Кўкон), Пирхонали Қурбонов (Риштон), Қодирали Маҳмудов (Учкўприк), Эргашали Ўсаров (Яйпан) — улар узоқ йиллар почта қорхоналарида меҳнат қилганлар. Бутун ёшлик қуввати ва ғайратини соҳа равнақига бахш этганлар.

— Биз тез-тез уларни

йўқлаб, дилларини хушнуд этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Ғанишер Файзиёв. — Сихатгоҳларга йўлланма беряпмиз, дори-дармон сотиб олишлари учун пул ажратяпмиз. Шунингдек, муҳтожларга уйлари таъмирлашда ҳам кўмаклашяпмиз.

Кўмита Ижтимоий ҳимоя йилида уруш қатнашчилари бўлган фахрийларга меҳр-муруват ёрдами янада кенгайтираётди.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
«Хабар»нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

● LUQMA



ҚЎЛБОЛА ХАТЖИЛД КИМНИКИ?

Андижон шаҳар почта алоқаси шахобчаларидан бирига бош сўқдим:

— Шу хатни Тошкентга жўнатиб юборайлик.

— Бунақа конвертлар ўтмайди! Хатни "стандарт" конвертга солинг, булар "тепма-ку!" — деди алоқасчи.

Ишонасизми, ярим шаҳарни айланиб ҳам матбуот дўконларидан рисоладагидай хатжилд тополмадим. Айниқса, эски шаҳар бозори атрофидаги барча матбуот тарқатиш шахобчалари келишиб олгандай, фақат сохта "Авиа" хатжилдларини сотишяпти. Бир вақтлар бу русумдагилари жуда қадрли бўлиб, уларга солинган

мактуб жуда тезликда манзилларига жўнатилган. Албатта, уларнинг сифати жуда яхши бўлган.

Андижон почта алоқаси бўлимларида ўзи елимланадиган хатжилдларнинг етарли эмаслиги мижозларнинг "Матбуот" дўконларига чопишларига сабаб бўляпти. Сотувчилар эса уялмай-нетмай, куппа-кундузи сизни "шилиб" қўлингизга қўлбола хатжилдни тутқазишди.

Тўғри, қўлбола хатжилдлар хат жўнатишга эмас, бошқа эҳтиёжлар учун яраши мумкин. Аммо бу мақсадлар учун ҳам унинг сифатсиз, сохтасини сотиш шартми?! Истеъмолчилар

ҳуқуқи қаерда қолди?... Ахир, бу хатжилдларга икки букланган қоғоз сигмайди. Бунинг устига, аксарияти сифатсиз: жуда юпка, "шилдирик" қоғоздан иборатки, елим суртиб бўлмайди — юкмайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ почта алоқа бўлимларида сохта хатжилдлар учрамайди. Хўш, бу каби сифатсиз хатжилдлар унда ким томонидан сотувга чиқариляпти? Ушбу саволга мутасадди шахслар аниқлик киритишди, деб умид қиламиз.

Муҳаммадқодир
ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон
вилоятидаги мухбири

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида мавзуга аниқлик киритиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖга мурожаат қилган эдик. Хатимизга қуйидаги жавобни олдик:

"Газетанинг Андижон вилоятидаги жамоатчи мухбири Муҳаммадқодир Отахоновнинг "Қўлбола хатжилд кимники?" мақоласи юзасидан қуйидагиларни билдираман.

Республикада почта хатжилдларини ишлаб чиқаришни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш марказининг 2002 йил 14 июндаги 12-27-сонли қарори билан "Почта конвертлари. Техник шартлар" давлат стандарти рўйхатга олинган ва амалга қиритилган. Мазкур стандарт ёзма хабарларни юбориш учун мўлжалланган почта конвертларига тааллуқлидир. Ушбу стандартнинг талаблари хўжалик юритувчи барча субъектлар учун мажбурийдир.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бугунги кунда барча ҳудудий филиалларини марказлашган ҳолда давлат стандарти талабларига жавоб берадиган конвертлар билан етарли даражада таъминлаб келмоқда. Жумладан, Андижон филиали почта қорхоналари ҳам стандарт конвертлар билан етарлича таъминланган. Ўзбекистон Республикасининг "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонунига асосан фойдаланувчи почта қоидаларида белгиланган талабларни бузган тақдирда, оператор ва провайдерлар унга почта алоқаси хизматлари кўрсатишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Республикамизнинг турли савдо қорхоналари орқали сотилаётган ностандарт конвертларни назорат қилиш "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг ваколатига кирмайди.

Рустам ҚОСИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори"

ТАҲРИРИЯТДАН: Мухбир томонидан кўтарилган мавзу ҳақиқатан ҳам бугунги кунда кўпчилик дуч келадиган долзарб муаммо саналади. Ҳар ким ҳам хатжилднинг стандарт ёки ностандартлигини ажрата олмайдди. Натижада эса юқоридаги каби ҳолатлар юзга келади. Шундай экан бу масалага ким масъул? Биз ушбу мавзуга яна қайтамиз.

ALOQACHI MINBARI

Сафаролди саломни

Чорак асрдан ошдики, Термиз аэропорти алоқа бўлимида узлуксиз ишлаб келяшман. Ўтган даврдаги фаолиятимдан мамнунман.

Олис манзилга отланаётган кишилар сафар олдида телефон хизматидан фойдаланиб, миннатдорчилик билдириб кетишмоқда. Уларнинг бири оила аъзоларини самолётда учиб арафасида турганидан хабардор қилса, иккинчиси санокли дақиқалар ичида етиб боришини ва кутиб олишларини айтади.

Халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шахобчамизга кейинги пайтда хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюришмоқда. Аввало, уларни ўзбекино одоб доирасида кутиб олиш ва муносабат кўрсатиш ҳаракатида бўламиз. Сўнгра исталган манзили билан боғлаб, узогини яқин қилмоқдамиз. Хуллас,

қадимий шаҳар — Термизга сайёҳлик ҳамда тижорат мақсадида келган меҳмонлар уйларига хурсанд ҳолда қайтишмоқда.

Мустақиллик йилларида Термиз аэропорти ҳам жаҳон андозалари даражасида кифо олмақда. Бунда германиялик қурувчиларнинг хизмати катта бўляпти. Эндиликда бу ердан нафақат мамлакатимиз, балки хорижий йўналишлар бўйича ҳам самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Албатта, бу каби янгилар биз алоқа ходимлари масъулиятини янада оширади.

Энди ўзим ҳақимда айтсам, Музработ туманининг Болдир қишлоғида туғилиб-ўсганман. Турмуш ўртоғим Ашур ака билан Тошкент алоқа

коллежида танишганмиз. Бир-биримизга меҳру муҳаббатимиз мана шу қадрдон даргоҳда тобланган ва бир умрлик аҳдупаймонга айланган. Ҳозир ҳавас қилса арзигулик оиламиз бор. Тўрт нафар фарзандга ота-онамиз, Анваржон Ангор туманида ишлаяпти. Акбар эса Термиз давлат университети талабаси. Гулноза касб-ҳунар коллежида, Дилноза мактабда ўқимокда.

Турмуш ўртоғим билан нафақат уйда, балки ишда ҳам биргамиз. У киши Термиз аэропортида муҳандис бўлиб ишлайди.

Хар гал кимдир халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шахобчамизда сафаролди саломини йўллаётганида хотиржалликда гап кўп, деган туйғу кўнглимдан кекади.

Гулсара ХОЛМУРОДОВА,
“Ўзи-Термиз” филиали оператори

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг эркин фаолият юритишини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имтиёз ва шароит яратиб беришни талаб этади.

Тадбиркорлик қонун ҳимоясида

Тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларга кенг имтиёз ва имкониятлар бериш, уларнинг эркин фаолият юритиши бўйича Президентимизнинг бир неча Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, судлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар томонидан таъсир чораларини либераллаштириш борасида ташланган катта қадамдир. Фармонга асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материаллар суд идораларига тақдим этилмайди. Жазо маъмурий жавобгарлик чораси билан чекланади ҳол, фақат бундай ҳуқуқбузарлик қасддан қилинмаган, давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўловлар камроқ тўланишига олиб келмаган бўлиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўғатиш, тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисобварақлари бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш, уларга молиявий санкциялар қўллаш, ҳуқуқбузарлик ашёларини давлат тасарруфига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланган.

Молиявий жарималарни қўллаш бўйича материаллар суд инспекцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик

субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган устама тўлаган тақдирда молиявий санкциялар қўллашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Жойларда узлуксиз равишда қонунбузарликлар содир этилиши ва бунга асосан ҳокимлик ҳамда давлат бошқарув идораси ходимларининг ҳуқуқий билим савиялари сусайиб бораётганлиги боис Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида режа ва жадвал асосида ҳокимиятлар, давлат бошқаруви идоралари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизими тўғрисида семинарлар ўтказилди. Семинарларда тегишли ҳокимиятлар, назорат қилувчи идоралар, банк ходимлари, ҳўжалик суди ва савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этди. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарларда семинарлар ўтказиш бўйича мавзуга оид режа ва жадваллар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланди. Улар асосида ҳар бир туманда, ҳатто чекка ҳудудларда ҳам ҳар ойда семинарлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодийнинг таянчига айланаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, тадбиркорлар учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ечиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳар бир соҳа ходимига алоҳида масъулият юклайди.

Наргиза САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусовод тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

BOSHQARUV VA AKT

Информация ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги муаммоларнинг ечими Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатида туб бурилиш ясайди. Унинг моҳияти ахборотнинг қуролланган воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларини координациялаш ва интеграциялашга ўтишга асосланади.



Бу муҳим ҳолат бўлиб, нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий самарали ислоҳот қилиш стратегиясида ўз аксини топади, балки мамлакатда ахборотлаштиришни ривожлантиришга катта улуш кўшади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бошқарув структурасини замонавий ривожлантириш учун ҳозирда ўз ҳуқуқ ва ваколатларини анча кенгайтирган ҳудудий ва маҳаллий бошқарув органлари ролини ошириш катта аҳамиятга моликдир. Ҳудудий бюджетни ташкил қилиш ва фаол қўллаш, ҳудудий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва сотиб олиш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасида тадбирлар ўтказиш — бу ҳаммаси фаолликка йўналтирилган ахборот таъминоти бўлиб, у ўзига хос ва мос ҳисоб-китоблар, дастур воситалари ҳамда замонавий иқтисодий технологияларни талаб қилади.

Давлат иқтисодий сиёсатида бюджетнинг ҳамма даражаларида иқтисодий воситалар ва технологияларни ривожлантиришга буюртмалар мавжуд. Бюджет жараёнида замонавий иқтисодий технологиялар асосини шахсий ҳисоб-китоб воситалари, компьютер коммуникациялари, корпоратив стандартлар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет жараёнига татбиқ этиладиган тармоқда иқтисодий технологиялар ривожланиши ва жорий этилиши муҳимлиги глобал масштабдаги ҳудудий ахборот тақсимот тизимларини асослаш зарурити билан боғланган. Бу тизимлар мамлакат талабларини қондириш, шаҳар, вилоят ва республика масштабидаги интеграциялашган ҳудудий ахборот ҳамда телекоммуникация тизимларини барпо этиш учун кўзланган. Шунингдек, тарихида иқтисодий-ҳуқуқий ва ижтимоий ахборотлар жойлашган иқтисодлашган ахборот базасига киритишга руҳсат берилган ҳар хил ахборотлаштирилган хизматларни кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.

Информация технологиялари бюджет жараёнининг ахборот муҳитидаги кейинги ривожланишида катализатор вазифасини ҳам ўтайди.

Бюджет жараёнига мос келувчи иқтисодий коммуникациялар автоматлаштиришда фойдаланувчиларнинг замонавий корпоратив иқтисодий тизимлар соҳасига боғлиқ томонлари ҳам бор. Бу боғлиқлик бюджет жараёнининг тизимлари даражаси бўйича ҳудудий тақсимланишида ва марказлаштирилмаган бошқарувининг ва очик тизим тасмоллида ҳаракатланиши намоян бўлади. Фаол ва тактикавий тартибга солинган, қабул қилинган ечимлар мавжуд бўлган жойларда махсус вакил бўлиши талаб этилади ва тақсимот унинг ихтиёрида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бошқарув органларида интеллектуал ахборот технологиялари эндигина ўрганилмоқда.

Бюджет жараёнига тегишли ахборот тизимларини лойиҳалаштириш услубиятидаги янгиларни қўйидаги хусусиятларда кўриш мумкин:

- муайян жойлардаги алоҳида яхлит масалаларни автоматлаштириш, универсал бошқарувдаги охириги молиявий натижаларга, иш жараёнларини ориентирлаштиришга ўтиш;
- ҳисоб-китоб натижаларининг тақсимланиши;
- ахборот базасида иш юритувчи ва иловаларни қайта тайёрловчи интеграция;
- информатизацияда жами чиқимларнинг пасайишида ахборотларни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;
- бюджет тизимида қарорларни қабул қилиш маркази учун ишончли ахборотларни ўз вақтида етказиш;
- Аваллгидаги каби бюджет жараёнига мос келувчи иқтисодий тизимни лойиҳалаштириш жараёнида технологик ва ташкилий хизматлардан, корпоратив стандартлардан самарали фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда молияни бошқаришнинг янги тизими яратилди. Молияни бошқариши давлатнинг юқори бошқарув ва ҳокимият органлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис амалга оширади. Бу бошқарув давлат бюджетининг лойиҳасини тасдиқлаш ва жойларда муҳокама қилиш ҳуқуқига ҳамда унинг бажарилиши ҳақида тасдиқланган ҳисоботга ҳам эга бўлади.


Шаҳноза СУЛТОНОВА,
Тошкент молия институты магистранти

Новости в сфере ИКТ


ZiyoNET—АНОНС*

КРЕДИТНАЯ СИСТЕМА РАСЧЕТОВ ЗА УСЛУГИ СВЯЗИ

Российский оператор сотовой связи МТС начал предлагать новую услугу «Кредит» пользователям контрактных тарифных планов. С ее помощью абоненты, подключенные к тарифам «Первый», «Свободный», «RED», «RED text», «Мы», «MAXI», «MAXI One», и тарифам линейки «Профи» смогут совершать и принимать звонки при отрицательном балансе. Также ей смогут воспользоваться большинство абонентов тарифных планов «Оптима», «Бизнес» и ряда других тарифов с абонентской платой.



MP3-ПЛЕЕР CREATIVE ЗА 40 ДОЛЛАРОВ



Компания Creative сообщила о выпуске недорогого MP3-плеера, построенного на основе флэш-памяти.

Новинка получила название Zen Stone. Плеер не имеет дисплея, а емкость встроенной памяти ограничена 1 Гб. Этого объема, по заявлениям разработчиков, будет достаточно для хранения 250 композиций средней длительности в формате MP3 с битрейтом в 128 кбит/с.

Главным достоинством новинки является относительно невысокая цена (40 долларов на территории США). Для сравнения, плеер Apple iPod Shuffle с аналогичными характеристиками стоит вдвое дороже. Продажи Zen Stone начнутся в текущем месяце.

ЖИЛОЕ ЗДАНИЕ НЕ ВЫДЕРЖАЛО НАТИСКА МОБИЛЬНОЙ РЕКЛАМЫ



На развивающемся рынке мобильной связи Индии насчитывается около 4,13 млн. пользователей телефонов стандарта GSM. При этом операторы сотовой связи не упускают ни единой возможности разрекламировать свои услуги. Порой это приводит к разрушающим последствиям. Так одно из многоэтажных жилых зданий в Сурате, город штата Гуджарат, не выдержало веса конструкции из двух рекламных щитов Hutch (бренд принадлежит Vodafone) и упало после их установки, сообщает Newlaunches.

АРОМАТИЧЕСКИЙ МОБИЛЬНИК

Управление США по патентам и торговым маркам (USPTO) выдало компании Motorola патент на ароматический мобильный телефон.

В патенте за номером 7,200,363 от 3 апреля нынешнего года описывается коммуникационное устройство, способное источать приятные запахи. Принцип работы аппарата сводится к использованию сменного резервуара, содержащего концентрат ароматического вещества. Резервуар при помощи нагревательного элемента, работающего от аккумуляторной батареи мобильного телефона, подогревается до 54°C, в результате чего происходит выброс ароматических веществ окружающее пространство.



«ЭНЦИКЛОПЕДИЯ ЖИЗНИ»



В интернете запущен грандиозный онлайн-проект под названием «Энциклопедия жизни». В этой энциклопедии будет объединена информация обо всех биологических видах, известных сегодня науке, которых в настоящее время насчитывается около 1,8 миллиона.

В рамках проекта в единую базу данных сначала будут собраны сведения о животных, растениях и грибах. Затем в каталог добавят данные о микроорганизмах, а позднее - и об ископаемых биологических видах. Любой пользователь интернета, посетивший ресурс, получит доступ к текстам, фото снимкам, картам, аудиозаписям, видеороликам и прочей мультимедийной информации. Пополнять каталог планируется по мере идентификации новых видов. «Энциклопедия жизни» будет основана на wiki-технологии, что позволит интернетчикам со всего мира редактировать, переделывать или вносить правки в каждую «главу».

КАЖДЫЙ ДЕСЯТЫЙ ВЕБ-САЙТ СОДЕРЖИТ ТРОЯНСКИЙ КОД

К такому выводу пришел исследователь Google Нильс Провос, проведший с коллегами анализ 4,5 млн веб-страниц.

На 450 тыс. сайтах был обнаружен код, загружающий различные вредоносные или шпионские программы. Еще на 700 тыс. исследователи обнаружили код, который потенциально может нарушить безопасность системы.

«Для того чтобы заставить пользователя установить вредоносный код, используется социальная инженерия, — пишет Нильс Провос в докладе «Призрак в браузере». — Пользователю предоставляются ссылки, на которых обещают «интересные» страницы с откровенным порнографическим контентом, пиратским ПО или музыкой и видео. Типичный пример таких сайтов — галерея уменьшенных изображений со ссылками якобы на взрослые видеоклипы».

Вредоносный код нередко попадает и на легальные веб-страницы. Ис-



следователи обнаружили его в баннерах и виджетах. С развитием Web 2.0 и сайтов с контентом, составленным самими пользователями, проникновение на компьютеры через веб-страницы становится новым привлекательным вектором атаки.

«Еще один способ — взлом легальных веб-сайтов и внедрение в страницы вредоносного кода. Посещая доверенный сайт, пользователь может не обращать внимания на предупреждения об опасности или понизить уровень защиты заранее».

В ходе исследования авторы доклада заразили свои компьютеры 50 различными видами вредоносного кода, посещая легальные веб-страницы, «угнанные» хакерами.

НА ВИДЕО@MAIL.RU ПОЯВИЛСЯ ТЕЛЕКАНАЛ

На Видео@Mail.Ru появился телеканал O2 TV. Ранее он был доступен через кабельные и спутниковые телевизионные сети. Компания планирует постепенное подключение к проекту других телеканалов различной направленности.

Первый опыт прямой трансляции состоялся на Видео@Mail.Ru месяцем раньше. Пользователям был продемонстрирован запуск космического корабля «Союз ТМА-10» к Международной Космической Станции.

Несмотря на то, что запуск происходил поздним вечером в субботу, трансляция привлекла немалый интерес со стороны аудитории. Непосредственно в момент запуска к серверу компании одновременно подключены несколько тысяч зрителей. Именно это событие и подтолкнуло Mail.ru к запуску «телевизионного» проекта.

Дар детской библиотеке

Государственная детская библиотека Республики Узбекистан обслуживает в год пятнадцать тысяч юных читателей. Ее книжный фонд составляет более 250 тысяч экземпляров книг различной тематики.

Ученый, опередивший века

«Канон врачебной науки» Ибн Сино, созданный в эпоху восточного Возрождения и востребованный в эпоху европейского Ренессанса, не только послужит обогащению теории биотики, но и должен стать практическим руководством по гуманизации современной медицины и здравоохранения.

Конкурс

«Воспитатель года»

Завершился Ташкентский областной этап республиканского смотра-конкурса «Воспитатель года», организованного по инициативе Министерства народного образования.

Внимание — изучению иностранных языков

В двух академических лицеях и 65 профессиональных колледжах Хорезмской области обучаются более 58 тысяч учащихся. В этих учебных заведениях, оснащенных современными техническими средствами, преподают глубокие знания по различным предметам и обращают серьезное внимание на изучение иностранных языков.

Форум талантливой молодежи

В столичном Дворце дружбы народов состоялся «Форум одаренной учащейся молодежи». Он организован Ташкентским городским управлением среднего специального, профессионального образования совместно с городским отделением общественного движения молодежи «Камолот», фондами «Махалла» и «Нуроний».

Новые школы Ферганы

В соответствии с Государственной общенациональной Программой развития школьного образования на 2004-2009 годы в Ферганской области строятся новые школьные здания.

Школа — обладатель гранта

Коллектив школы № 25 Каршинского района получил грант по Программе малых грантов Японии.

Будущее начинается со школы

Цель последовательно осуществляемых под руководством Президента Ислама Каримова реформ в сфере образования заключается прежде всего в воспитании всесторонне развитой, самостоятельной, мыслящей личности, подготовке специалистов, отвечающих требованиям международных стандартов.



*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET www.ziynet.uz

АФОРИЗМ

Все то, что род людской на этом свете создал,
Ум человеческий в тысячелетях создал.

Алишер НАВОИ



Хабар +tv



2007-йил, 18-май
20 (765)-son

СТС

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассоль, У ёлбоғида".
8.00-8.45 "Талочка".
8.50 Отин мерос.
9.00 "Отам ва отам" дастури. Тўғиллик сабаби".
"Болалар сайёри".
9.50 "Камовани келтирилди" Мушфиқов.
10.30 "Мояши университетов".
10.55 Дунё исқанди.
11.00 "Айборот".
11.10 "Самарқанд-2/87".
11.15 "Отам эрдани".
11.35 "Минг бар ривон".
11.40 "Ўқибди". Муҳимий номакити мазмунли драма тизирини сўхастиси. 1-қисм.
12.45 "Ўқибди". Спектакль, 2-қисм.
13.45 Отин мерос.
13.55 Дунё исқанди.
14.00 "Айборот".
14.20 "Отам ва отам" дастури. "Қулоқ командирини ош оти сардуригайлар".
15.10 "Хайт миғизлари".
15.20 "Ватанлар".
16.20 "Мояши сайёри".
"Болалар сайёри".
16.40 "Ўқибди" - ишқиснона эпикаси.
17.10 ТВ асоси.
17.15 Отин мерос.
17.20 "Юртин бўйлаб" дастури "Тўғиллик мўжизи".
17.40 "Марштон-2007".
17.45 "Хайт ва хушди".
18.05 "Ўқибди" оқишиси".
18.15 "Ўчар мезгилди".
18.40 "Оташ". Телесериал.
19.15 "Милин ва бонк хабарлари".
19.20 Дунё исқанди.
19.25, 19.55, 20.35, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Айборот" (рус тилида).
20.05 "ТВ шафқат".
20.10 "Оқил риязатлари". Телесериал промодиди.
20.30 Дунё исқанди.
21.00 "Айборот".
21.40 "Ўрмончи қизиси".
22.05 "Изоли тақдир". Телесериал премьериси (Сўхастисон).
22.50 "Қўшнликчи, муҳаббат" (SMS. Оқил берини).
23.00 Миллий сериал: "Бобур".
23.30-23.40 Тўғиллик наволар.
23.40 Кўрсатувлар дастури.
23.50 "Юртин бўйлаб" дастури "Сўхастисон демократиси".
01.20 "Мухаддас қўлмақлар".
03.45 "Хайт миғизлари".
03.55 Дунё исқанди.
1.00 "Айборот". Информацион дастури (рус).
1.30 Отин мерос.
1.40 "Мояши сайёри".
2.00 "Чинчилик". Спектакль.
3.50 "Марштон-2007".
3.55 Дунё исқанди.
4.00 "Айборот". Информацион дастури.
4.35 "Юртин бўйлаб" дастури. "Изоли дарё сўхастиси".
4.55 "Минг бар ривон".
5.05 Миллий сериал: "Бобур".
5.35-5.55 Тўғиллик наволар.



ДУШАНБА — 21 МАЙ

16.45 "Қўшнликчи дўстларим" Ганисон Тўғиллик номакити дўстларим ақсабалиқини қонлари.
17.05 "Мояши".
17.20 "Ўқибди".
17.40 "Айборот".
18.00 "Муҳаббатий дунё". Хўжақисини сериал.
18.30 "Қулоқ-SMS". Сўхастисон телемодели.
18.55 "Иқанди".
19.00 "ДАВР".
19.30 "Ўқибди қўшнликчи".
19.40 "UzEx хабарлари" (рус ва инглиз тилида).
19.50 "Ғафил оқилди".
20.10 "ТВ асоси".
20.20 "Изоли номакити".
20.40 "UzEx хабарлари".
20.45 "Оқил бўйлаб".
20.50 "Ўқибди".
21.15 "Ўқибди".
21.55 "Иқанди".
22.00 "ДАВР".
22.30 "SMS-мўжизи". Ёш нарқорлар тизирини.
22.50 "Қўр қўшнликчи". Сериал премьериси (Корей).
00.00 - 00.10 "Тўғиллик".

БЕЛТАВИДЕНТО

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мўшфиқов: "Шўх миғизлар".
18.05 "Телекўрар - марказ".
18.25 "Битисилма".
18.30 "Полиат" аборот дастури.
18.50 "Талочка". Телесериал.
19.50 "Мушфиқов SMS".
19.50 "Сўхастисон бўйлаб" (рус).
20.00 "Полиат" аборот дастури (рус).
20.15 "ТВ марказ".
20.20 "Возвас". Научно-популярний фильм 1-қисм.
20.50 "Интервью" (рус).
21.00 "Жоқибди".
21.30 "Полиат" аборот дастури.
21.45 "ТВ марказ".
21.50 "Телекўрар - марказ".
22.10 "Али қўшнликчи".
22.25 "Битисилма".
22.30 "Полиат" аборот дастури (рус).
22.50 Қазақ "История любви".
00.05 - 00.10 Хайратни тузи, шаҳарини.

СПОРТ

Телемоделилар дўстларим!
11.05 "Тор Gear".
11.40 "Чрезвычайное происшествие.
Обзор за неделю".
12.25 Фестиваль юмора "Москва -
Ялта - транзит".
14.20 Д/с "Последние смерти".
15.25 "Один день. Новая версия".
16.00 Своя игра.
16.55 Т/с "Альют".
18.00 "Сетования. Итоговая
программа".
18.50 "Чистосердечное признание".
19.20 "Чрезвычайное происшествие.
Обзор за неделю".
19.55 "Главный герой".
21.00 "Воскресный вечер".
22.05 Х/ф "Рим".
00.05 Х/ф "Робот-полицейский".
02.05 "Криминальная Россия".
02.40 Х/ф "Свяние".

КУЛЬТУРА

05.30 Канал "Евроноос".
09.10 "Лето Господие". День
Святой Троицы.
09.40 "Калучино".
10.10 Х/ф "Наш дом".
11.45 "Легенды мирового кино".
Джон Гилберт.
12.15 "Музыкальный киоск".
13.05.00.55 Д/с "Животные как
мы". "Лечение".
14.00 "Что делать?".
14.45 Х/ф "Три гола".
17.05 "Дом актера". "Вспомни
Наталья Трошкуну".
17.50 Мариинский представляет
балеты М. Фокина.
19.50 "Развлекное вечности, или
Меж двух столиц Империя".
20.35 Д/с "Загадки острова
Пахи".
21.25 Х/ф "Нищие и гордые".
23.05 Д/с "Русский маскаррад".
00.00 "Прогулки по Бродвею".
00.25 "Джем-5". М. Дэвис.

СТС

07.00 Х/ф "Каена. Пророчество".
08.20 М/ф
08.55,09.20,09.30, 10.30 М/с
10.00 Улица Сезам.
11.00 "Самый умный".
13.00 Т/с "Виола Тараканова. В
мире пресутных страстей 3".
15.00 "Снимите это немедленно".
16.00 Д/с "Мать и дочь".
17.30 6 кадров.
17.45 Т/с "Належда уходи
последней".
22.00 Х/ф "Очень страшное кино -
3".
23.35 "Слава богу, ты пришел!"
00.55 Кино в деталях.
01.55 Х/ф "Крейзи".
03.25 Х/ф "Дурное воспитание".
05.05 Х/ф "Состояние".

ТВ3

07.00,08.00,10.00 М/ф.
07.30 Жизнь, полная радости.
12.30 Х/ф "Нежность".
14.00 Х/ф "Влюбленные".
15.45 Х/ф "Железная маска".
19.00 Киномания.
20.00 Х/ф "Добро пожаловать в
Швейцарию".
22.00 Х/ф "Официант с золотым
подносом".
00.00 Т/с "Невада".
01.00 Х/ф "Нападение акул в
весенние каникулы".
03.00 Х/ф "Пока он не
пронесулся".

ТНТ

06.00 М/с
08.05,20.00,23.30,00.25 "Дом 2".
09.00 "Cosmopolitan. Видеоверсия".
11.00 Загадки шоу-бизнеса.
11.00 Комедия "Зачем вы,
девочки?".
11.30 Ужасы "Обитель зла".
13.40 Ужасы "Обитель зла 2.
Апокалипсис".
16.00 Т/с "Саша+Маша".
17.00 Клуб бывших жен.
18.00 Такси в Питере.
18.30 Т/с "Женская лига".
19.00 "Была экстрасенсор".
21.00 "Комеди Клаб".
22.00 "Cosmopolitan. Видеоверсия".
01.20 Комедия "Большие
неприятности".

TV-Марказ

Душанба

07.00 "Премьера" (Ўзб)
07.30,10.50,14.00,16.30,
17.40,21.00 Ўзбек наволари
08.00 "Премьера" (рус) -
08.30 "Сайитлоқ"
08.45,13.20,15.45,20.30
09.00 Серил "Оперативный
песедоним" 17-серия
10.00 "Сунмас орулар"
11.00 "Проклятие золотого цветка"
Х/ф.
13.30 "Миссия неповторима"
15.00 Телениня
17.00 "Навбат" Рашид Холликов
билан
18.00 "Премьера" (Ўзб)
18.30 "Кулинар фантазиялари"
19.30 "Премьера" (рус)
19.30 Серил "Оперативный
песедоним" 18-серия
22.00 Комедия по понедельникам
"МОДНАЯ МАМОЧКА" Х/ф.
00.15 Минскер

Сешанба

07.00,10.30,13.30,14.30,
16.15,17.45,18.10,20.15,21.30 Ўзбек
наволари
08.00 Марказ NEWS (Ўзб)
08.10,13.15,14.10,15.45 Мировые
хиты
09.00 Серил "Оперативный
песедоним" 18-серия
10.00 "Премьера" (Ўзб)
11.00 "Модная мамочка" Х/ф.
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Телениня
17.00 "Топ-20"

Душанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Сатурн" -
"Спартак" (Нах).
08.00,10.00,14.05,18.35,21.45,01.55 "Вести-
спорт".
08.10 Футбол. Лига чемпионов. Женщины.
Финляндия "Сявгасе" (Дан.) - "Лига" (Рус.).
10.10 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
"Финна-4-х", 1/2 финала. ЦСКА -
"Уникаха" (Исп.).
12.10 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.10 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала. "Динамо" (Мос.) - ЦСКА.
15.30 Футбол. Премьер-лига. "Спартак"
(Мос.) - "Локомотив".
17.30 "Футбол Россия".
18.45 Автоспорт. ЧМ по ралли. "Раши
Сариджан".
19.30 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.
22.00 Футбол. Лига чемпионов. "Дорога к
финалу".
23.15 "Футбол Россия".
00.20 "Неделя спорта".
01.25 "Самый сильный человек".

Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Ростов" -
"Химки".
08.00,10.20,14.25,18.50,21.45,01.55 "Вести-
спорт".
08.10 "Футбол Россия".
09.15 "Неделя спорта".
10.30 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
(Гре.) - "Тур Керкира" (Исп.).
12.30 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.30 "Неделя спорта".
15.25 "Самый сильный человек". ЧМ по
свободному дзюдо.
16.05 "Скоростной участок".
16.40 Футбол. Лига чемпионов. 1/2 финала.
"Милан" - "Манчестер Юнайтед".
19.30 Хул гимнастика. Гран-При.
22.00 Футбол. Лига чемпионов. "Дорога к

18.00 Марказ NEWS (Ўзб)
19.00 Серил "Оперативный
песедоним" 19-серия
20.00 "Сайитлоқ"
21.00 "Великолепная семёрка"
22.00 "УСПЕТЬ ДО ПОЛУНОЧИ"
Х/ф.
00.15 Минскер

Чоршанба

07.00,08.50,10.30,13.15,
14.10,17.00,18.40,20.00,21.30 Ўзбек
наволари
07.30 "Премьера" (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 "Навбат" Рашид Холликов
билан
09.00 Серил "Оперативный
песедоним" 19-серия
10.00,15.45,16.15 Мировые хиты
11.00 "Успеть до полуночи" Х/ф.
14.00 Марказ NEWS (Ўзб)
15.00 Телениня
16.00 "Сайитлоқ"
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 "Кулинар фантазиялари"
19.00 Серил "Оперативный
песедоним" 20-серия
21.00 "Миссия неповторима"
22.00 Киноколлекция "ПРИЗРАКИ
ГОРИ" Х/ф.
00.10 Минскер

Пайшанба

07.00,10.00,13.10,14.30,
16.00,19.00,20.20,21.30 Ўзбек
наволари
08.00 Марказ NEWS (Ўзб)
08.10 "Сайитлоқ"

08.25,14.10,15.45,17.30,18.10
Мировые хиты
09.00 Серил "Оперативный
песедоним" 20-серия
11.00 "Призраки Гойи" Х/ф.
14.00 Марказ NEWS (рус)
15.00 Телениня
17.00 "Великолепная семёрка"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)
20.00 "Спецрепортаж"
20.30 "Премьера" (Ўзб)
21.00 "Юдузали пайшанба"
22.00 "СТИРАТЕЛЬ" Х/ф.
00.10 Минскер

Жума

07.00,07.40,10.00, 13.10,
14.30,16.30,18.20,18.45 Ўзбек
наволари
07.30 10.50 13.50 14.50 18.10 20.50
"Сунги кўнрик"
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 "Топ-20"
09.00,14.10,15.45 Мировые хиты
11.00 "Стираль" Х/ф.
14.00 Марказ NEWS (Ўзб)
15.00 Телениня
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.30 "Сайитлоқ"
20.00 "Сунмас орулар"
21.00 "Кинокурьер"
21.30 "Премьера" (рус)
22.00 "НАС ПРИНЯЛИ!" Х/ф.
23.45 Минскер

Шанба

07.00,08.10,10.15,13.30,
17.20,18.10,19.00,21.40 Ўзбек
наволари

08.00 Марказ NEWS (Ўзб)
09.00 12.45 14.30 16.20 Мировые
хиты
09.30 "Кинокурьер"
10.00 "Сайитлоқ"
11.00 "Нас приняли!" Х/ф.
14.00 "Премьера" (Ўзб)
15.00 Телениня
17.00 "Спецрепортаж"
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.30 "Альо-Марказ"
19.15 Концерт
21.00 "Навбат" Рашид Холликов
билан
22.00 Индийское кино "В
ЛОВУШКЕ"
00.50 Минскер

Якшанба

07.00,10.50,14.00,16.20,
17.00,18.10,19.00, 20.30 Ўзбек
наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Концерт
10.00 "Сунмас орулар"
11.00 Индийское кино "В
ЛОВУШКЕ"
13.50,18.45, 21.45 Мировые хиты
15.00 Телениня
16.30 "Премьера" (рус)
17.30 "Юдузали пайшанба"
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)
18.30 "Сайитлоқ"
20.00 "Альо-Марказ"
21.00 "Топ-20"
22.00 "ТАННИБАТ" Х/ф.
23.45 Минскер

RTR SPORT

Душанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Сатурн" -
"Спартак" (Нах).
08.00,10.00,14.05,18.35,21.45,01.55 "Вести-
спорт".
08.10 Футбол. Лига чемпионов. Женщины.
Финляндия "Сявгасе" (Дан.) - "Лига" (Рус.).
10.10 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
"Финна-4-х", 1/2 финала. ЦСКА -
"Уникаха" (Исп.).
12.10 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.10 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала. "Динамо" (Мос.) - ЦСКА.
15.30 Футбол. Премьер-лига. "Спартак"
(Мос.) - "Локомотив".
17.30 "Футбол Россия".
18.45 Автоспорт. ЧМ по ралли. "Раши
Сариджан".
19.30 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.
22.00 Футбол. Лига чемпионов. "Дорога к
финалу".
23.15 "Футбол Россия".
00.20 "Неделя спорта".
01.25 "Самый сильный человек".

Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Ростов" -
"Химки".
08.00,10.20,14.25,18.50,21.45,01.55 "Вести-
спорт".
08.10 "Футбол Россия".
09.15 "Неделя спорта".
10.30 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
(Гре.) - "Тур Керкира" (Исп.).
12.30 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.30 "Неделя спорта".
15.25 "Самый сильный человек". ЧМ по
свободному дзюдо.
16.05 "Скоростной участок".
16.40 Футбол. Лига чемпионов. 1/2 финала.
"Милан" - "Манчестер Юнайтед".
19.30 Хул гимнастика. Гран-При.
22.00 Футбол. Лига чемпионов. "Дорога к

финалу".
13.15 Фут. дерби между клубами
Национальной премии "Сала"
01.40 "Скоростной участок".

Чоршанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Амкар" -
ЦСКА.
08.00,10.00,13.45,19.00,21.45 "Вести-
спорт".
08.10 "Скоростной участок".
08.45 Хул гимнастика. Межд. турнир
"Хрустальная роза".
10.10 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
"Финна-4-х". Матч за 3-е место. "Тур
Керкира" (Исп.) - "Уникаха" (Исп.).
12.30 "Рыбалка".
12.15 Бильярд. Кубок Олдесса.
13.30 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.
15.50 "Путь Дракона".
16.20 Футбол. Лига чемпионов. 1/2
финала. "Ливерпуль" - "Милан".
19.10 Хул гимнастика. Межд. турнир
"Хрустальная роза".
19.50 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.
17.00 Хул гимнастика. Межд. турнир
"Хрустальная роза".
21.15 Футбол. Лига чемпионов. Финал.
"Милан" - "Ливерпуль".
01.00 Футбол. Обзор Лиги чемпионов

Пайшанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Спартак"
(Мос.) - "Локомотив".
Принудительная.
08.00,10.00,14.00,17.15,22.05,00.50 "Вести-
спорт".
08.10 "Путь Дракона".
08.55 Стрельба из лука. Кубок мира.
09.23 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.
10.15 Баскетбол. Евролига. Мужчины.
"Финна-4-х" Финал. ЦСКА -
"Панатинаикос" (Гре.).
12.25 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.05 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.

1/2 финала.
16.00 Автоспорт. ЧМ по ралли. "Раши
Сариджан".
17.05 "Точка отрыва".
17.45 Футбол. Лига чемпионов. Финал.
"Милан" - "Ливерпуль".
20.05 Хул гимнастика. Гран-При.
Подавательные выступления.
21.25 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.
22.20 Профессиональный бокс. Захар
Ракин (США) против Кристофала Круа
(Мексика).
00.20 "Точка отрыва".
00.55 "Рыбалка с Радищевским".
01.10 Спортивная гимнастика. ЧЕ

Жума

06.05 Футбол. Лига чемпионов. Женщины.
Финляндия "Сявгасе" (Дан.) - "Лига" (Рус.).
08.00,10.00,14.00,18.55,21.55,01.05 "Вести-
спорт".
08.10 "Точка отрыва".
08.40 Хул гимнастика. Гран-При.
Подавательные выступления.
10.10 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.
12.10 Бильярд. Кубок Олдесса.
14.05 Ралли. Кубок европейских наций.
Португалия - Россия.
16.00,22.50 Спортивная гимнастика.
Кубок мира.
19.05 "Рыбалка с Радищевским".
19.20 "Футбол Россия. Переда туром".
19.55 Футбол. Премьер-лига. "Химки"
- "Спартак" (Мос.).
22.10 "Вести-спорт. Местное время".
22.15 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
01.10 "Футбол Россия. Переда туром".
01.45 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
1/2 финала.

Шанба

05.35 Футбол. Лига чемпионов. Финал.
"Милан" - "Ливерпуль".

08.00,10.00,14.00,16.40,22.45,01.10 "Вести-
спорт".
08.10,12.45,14.05 Спортивная гимнастика.
Кубок мира.
10.10,23.00 "Вести-спорт. Местное
время".
10.15 "Летящие спорты".
10.50 Профессиональный бокс. Захар
Ракин (США) против Кристофала Круа
(Мексика).
16.35 Футбол. Премьер-лига. "Крылья
Советов" - "Динамо".
18.55 Волейбол. Мировая лига. Мужчины.
Россия - Сербия.
19.45 Профессиональный бокс. Ламонт
Петерсон (США) против Дорина Спизва
(США).


23.10 Футбол. Премьер-лига. "Рубин" -
"Тур Энергия".
01.15 Волейбол. Мировая лига. Мужчины.
Польша - Катар.

Якшанба


06.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины.
Россия - Сербия.
08.00,10.00,13.45,18.40,01.00 "Вести-
спорт".
08.10 Спортивная гимнастика. Кубок
мира.
09.15 "Быть или не быть". Местное время".
10.10,23.00 "Вести-спорт. Местное время".
10.15 "Страна спортивная".
10.45 Профессиональный бокс. Ламонт
Петерсон (США) против Дорина Спизва
(США).
12.40 "Сборная Россия".
13.10 "Самый сильный человек".
13.55 Автоспорт. Мировая серия. Монте-
Карло.
15.00,21.05,01.05 Телениня. Открытый чемпионат
Финляндия.
18.50 Баскетбол. Чемпи. России. Мужчины.
Финляндия - Сербия.
20.45 Волейбол. Мировая лига. Мужчины.
Россия - Сербия.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

9. Ундан тугмачасини босамиз ва ойна куйидаги кўринишга эга бўлади:




10. Ундан тугмачасини босамиз ва ойна куйидаги кўринишга эга бўлади:



(Давоми бор.)


КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ




ИНТЕРНЕТ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШ

«Эффект-молия» ўқув-илмий маркази
ва «Хабар» газетаси тахририяти

5. ни босганимизда куйидаги ойна актив ойнага айланади:



6. Юқоридаги ойнадаги тугмачаси босилади ва у куйидаги кўринишга эга бўлади:



неги – Меллон университети), wsu.edu (Washington State University);
***.gov** – давлат муассалари (АҚШ) учун ишлатилади, масалан: whitehouse.gov (Оқ уй);
***.org** – нотижорат ташкилотлари учун ишлатилади, масалан: irex.org (Айрекс ташкилоти);
***.net** – Интернетнинг хизмат провайдерлари учун ишлатилади, масалан: si.net (Sprint International).

Давлатларни ҳам изохловчи кодлар мавжуд:

*.uz	Ўзбекистон	*.li	Лихтенштейн
*.uk	Буюк Британия	*.cn	Хитой
*.ca	Канада	*.ru	Россия
*.ch	Швейцария	*.de	Германия
*.au	Австралия	*.ua	Украина

Агар домен номида давлатни изоҳловчи идентификатори бўлмаса, бу домен АҚШда эканлигини билдиради.
 Интернет билан ишлашни асосан **Internet Explorer** дастури таъминлайди.

Интернетни созлаш (настройка) тартиби

Интернетни созлаш учун авваломбор компютер, алоқа линияси, модем ва дастур таъминотига эга бўлиш керак. Провайдер телефон рақамларини олиш ҳамда абонентнинг қайд қилинган такрорланмас номи (**Login**) ва пароли (**Password**)га эга бўлиши зарур. Фараз қилайлик, Ўзбекистонда Интернет хизматини кўрсатувчи провайдерлардан бири бўлган "Sarkor Telecom" орқали сиз Интернетга уланмоқчисиз.

Бунинг учун Интернетни куйидаги тартибда созлаш керак:

1 Компютердаги Windows XP амалиёт тизими таркибига кирувчи **"Сетевое окружение"** белгисига бир марта «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босамиз ва куйидаги кичик ойна чикади, ундан "Свойства"ни танлаймиз.

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Интернет

1997 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Интернет-провайдерлар хизмат кўрсата бошлади. Куйида баъзи провайдерларнинг номи ва саҳифа манзилини келтирамыз:

Интернет-провайдерни танлаш бўйича маслаҳатлар:

Интернетнинг тезлиги ва сифати провайдерга боғлиқ. Шунинг учун провайдерни танлашда куйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- провайдернинг қандай тармоқдан фойдаланиши;
- қайси тармоқлар билан маълумот алмашиши, тармоқнинг маълумот ўткази олиш қобилияти;
- домен очиш имконияти;
- электрон почта хизмати кўрсатилиши;
- алоқа тезлиги ва сифати, модемга телефон қила олиш қобилияти, провайдер модеми тури (баъзи корхона модемлари мунтазам алоқани ўрнатади);
- боғланиш ва маълумотларни узатиш тезлиги;
- техник хизмат кўрсатилиши;
- қўшимча хизматлар рўйхати ва уларнинг баҳоси.

Интернетда ишлаш тартиби


Фараз қилайлик, Интернетда бирор саҳифани очиб кўрмоқчисиз. Саҳифа манзилини киритдингиз ва уни очдингиз. Саҳифани топиш учун дастур провайдерда жойлашган домен номлари хизмати дастурлар мажмуидан фойдаланади.

Этибор берган бўлсангиз, доменлар номи кўпинча **.com**, **.edu** ёки **.org** билан тугайди. Куйида оммабоп идентификаторлар мисоллар билан келтирилган.



* **.com** — тижорат ташкилотлари учун ишлатилади, масалан: microsoft.com, ibm.com;

* **.edu** — ўқув муассасалари учун ишлатилади, масалан: cmu.edu (Кар-


7. Юқоридаги ойнадаги тугмачаси босилади ва у куйидаги кўринишга эга бўлади:




8. Юқоридаги ойна тугмачаси босилганда кўринишга эга бўлади.




2. Куйидаги "Сетевые подключения" ойнаси чиқади ва ундаги "Создание нового подключения"га бир марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босамиз.



3. Куйидаги ойналар чиқади:




4. Юқоридаги ойнадаги тугмачаси босилганда кўринишга эга бўлади. Ўзбекистон телефон коди ёзилди ва босилади. Натияжада куйидаги "Телефон и модем" ойнаси чиқади:



JAHON POCHTASI

Яқин йилларга қадар Эстонияда универсал почта хизматлари ягона провайдер ҳисобланган "Ээсти Пост" акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириб келинган. 2002 йилнинг 1 январидан почта хизмати тўғрисидаги янги қонуннинг кучга кириши билан мамлакат почта бозорида рақобатчи компаниялар пайдо бўла бошлади ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.



ЭСТОНИЯ ПОЧТАСИДА ЖАМОАВИЙ МЕХНАТНИ ҚАДРЛАШАДИ

Эстония почтасини фуқароларнинг ишончини қозониб, ўз нуфузини ошириш, уларнинг энг сеvimли почта компанияси деган шарафли номни олиш учун дадил одимлашга ундаган асосий омил ҳам айнан шу ҳолат ҳисобланади.

Эстония давлат почта хизмати Швеция давлат почта тизими асосида шаклланган. 1917 йилга қадар Эстония Республикаси ҳудудида 157 почта идораси ва давлатга қарашли учта мустақил марказий телефон станцияси бўлган. 1918 йилнинг 25 февралда Таллин почтасини кўлга киритган немис оккупация ҳукумати амалдаги почта тизимига барҳам берди.

Уша йилнинг 13 ноябр кунини Мудофаа иттифоқи бошлиғи Таллин почта-телеграф идорасинини душмандан ҳимоялаш тўғрисида буйруқ берди... ва бу кун почта хизматида асос солинган кун сифатида эстон почтаси тарихининг олтин саҳифасидан жой олди. Орадан беш кун ўтиб, Алоқа йўллари вазирини Ф.Петерсон Эстониянинг биринчи почта тарифларини тасдиқлади. Мамлакатда чиқарилган илк почта маркалари эса 22 ноябрдан сотувда пайдо бўлди.

Эстонияда почтани ер усти ташувларидан ташқари, кемалар ва ҳаво транспорти орқали етказиш ҳам амалда бўлган. Кемаларда почта Хелсинки ва Стокгольм томон жўнатилаган. 1923 йилда ташкил этилган "Аэронавт" фирмаси самолётлари ҳафтасига олти марта Хелсинки ва Рига йўналиши бўйлаб почта ташувини йўлга қўйди.

Иккинчи жаҳон уруши ва депортация оқибатида Эстония почта алоқаси тармоғи ҳиддий йўқотишларга учраса ҳам деярли узилишларсиз ишлаб турди. Урушдан сўнг собиқ Иттифоқнинг барча республикаларида бўлганидек, Эстонияда ҳам почта ягона тизимга айлантирилди — туман ва шаҳар почталари туман ва шаҳар алоқа боғламалари дея қайта номланди. 1956 йилнинг 29 августда Таллин почтамти Бош почтамтга айлантирилди. Отарава орқали почта ташуш ўз ўрнини автомобилларга бўшатиб берди. Почта ходимлари, аниқроғи, почтачиларнинг етишмовчилиғи эстон почтасининг собиқ Иттифоқ давридаги энг катта муаммоси эди. Бунга оғир жисмоний меҳнат ва иш ҳақининг

ўта пастлиғи сабаб бўлган.

1991 йилнинг 10 апрелида "Ээсти Пост" давлат корхонаси фаолият бошлади. 1991 йилнинг 1 октябрида мустақил Эстония Республикасининг биринчи почта маркалари муомалага киритилди. Юқори инфляция даражаси ҳамда тез орада янги валютага ўтилиши эътиборга олиниб, маркаларнинг бир қисми пул қиймати кўрсатилмасдан, ҳарфий белгилар билан чиқарилган. Тез ўзгараётган ва қайта шаклланди бўлган жамиятда анъанавий почта хизматлари катта даромад келтирмас, бунинг устига, хизматлар ҳам жижи сезиларли даражада камайиб бораётган эди. Юзага келаятган шароит эстон почта мутахассисларини фаолиятнинг янги қирраларини кашф этишга ундади. 1993 ва айниқса, 1994 йилдаги амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар нафақат корхонанинг даромадгирлигини оширди, балки келгуси йилларда ҳам барқарор фаолият юритишга замин ҳозирлади.

Эстония почтаси ("Ээсти Пост") давлатга қарашли компания, унинг акциялари Таллин биржасига қўйилган. Компания PostEuron ҳамда Болтиқ почта иттифоқи аъзоси ҳисобланади. Эстония Республикаси 1922 йилда Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзоликка қабул қилинган — мамлакат собиқ Совет Иттифоқидан ажралиб чиққанидан сўнг 1992 йилда унинг аъзолик макомини яна тикланди. "Ээсти Пост" асосан универсал почта хизматлари кўрсатишга ихтисослашган. Мамлакатдаги энг кенг чакана савдо тармоғи а й н а н

почта корхонасига тегишли 5 0 0 д а н ортиқ алоқа бўлимларида мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Анъанавий почта

хизматлари билан бирга юқларни сақлаш, курерлик, транспорт, молия ва бошқа йўналишларда фаолият олиб борилади. Почта соҳасининг энг илгор оператори сифатида танилиш учун компания ўз технологияларини мунтазам такомиллаштириб борапти. Бу, ўз навбатида, бозорга мижозлар учун кўплаб қулайликлар яратувчи янги замонавий хизматлар билан чиқиш имкониятини бериюқда. Компаниянинг фаолият мақсади аниқрашган белгилаб қўйилган — мижозларга сифатли ва қулай нархларда хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳамда юқори даромадга эришиш. Бу борадаги имкониятларни юқори баҳолаш мумкин — "Ээсти Пост" мижозлари, ҳамкорлари ва сармоядорлар орасида почта бизнеси соҳасида хизмат кўрсатиш ишончли компания сифатида яхшигина обрўга эга.

Компанияда мижозлар манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилади, улар кутганидан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатишга ҳаракат қилинади. Берган ваъдаларининг устидан чиқиш, имконияти даражасидан кўп ваъда бермаслик — айнан эстон почтачиларига хос хусусиятлардан бири десак, асло муносабатда бўлмаган керак. Мижозлар билан ишлашда почтачилардан баҳона эмас, балки масаланинг ечимини топиш қатъий талаб қилинади. Компанияда касбдошлар бир-бирларига ҳамкорлар сифатида муносабатда бўлишди, хоҳ мижозлар билан, хоҳ ўзаро ички фаолиятда бўлсин, жамоавий меҳнатни қадрлашади. Ҳамкорлик муносабатларида эртага бутунгидан юқори натижаларга эришиш, муваффақият қозонган касбдошларини янги зафарлар томон руҳлантириб боришга астойдил ҳаракат қилишади. Ўз устида ишлаш, билим ва малакасини ошириб бориш, ўзгаришларга доимо шай туришни "Ээсти Пост" ходимлари жуда муҳим ҳисоблашади. Компанияда ходимларнинг янги имкониятларини топиш қобилияти ҳамда почта фаолиятини яхшилаш борасидаги таклифлари юқори қадрланади.

(Давоми бор.)

ALOQA OLAMIDA

ТАРМОҚНИ КИМ ҚУРАДИ?


Австралия ҳукумати мамлакат аҳолисини кенг полосали интернет билан таъминлаш мақсадида миллий тармоқни барпо этишга қодир ишончли компания қидирмоқда.

Курилишга 3,9 миллиард АҚШ доллари сарфлаш кўзда тутилган. Аммо ҳозирча бирорта компания билан келишувга эришилмади. Ойига 65-75 АҚШ доллари қийматидаги абонентлик тўлови сўраган Telstra компаниясининг талаби қимматлик қилаётган бўлса, Ortus бошчилигидаги тўққиз компания — G9 иттифоқи паст тарифда ҳам хизмат кўрсатишга тайёр. Фақат тармоқни қуриш учун уларга Telstraning инфратузилмаси жуда зарур, рақиб компания эса, ўз навбатида, бунга розилик бермади.

Умуман олганда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо 30 давлат орасида кенг полосали интернетни жорий этиш борасида Австралиянинг обрўси унчалик ҳам ёмонмас — у 16-ўринда туради (қамраш кўрсаткичи — 29,1 фоиз). Аммо тармоқда маълумот узатиш тезлиги аксарият мамлакатларникига қараганда анча паст. Масалан, кўпчилик австралияликлар 256 кбит/с тезликдаги тармоққа уланган, ваҳоланки Япония, Жанубий Корея, Гонконг ва Францияда кўпдан буён 100 мегабитгача тезликни таъминловчи тармоқлар мавжуд.

АНТИҚА ПУЛТ

Швед дизайнчиси Чен Карлссон ўзига хос китобча шаклидаги универсал масофадан бошқариш пултини ишлаб чиқди. Ундан телевизорларда, аудиотехника ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Карлссоннинг гоёси жуда оддий — маълумки, кўпгина бошқарув пуллари ўта мураккаб тузилгани боис, улардан фойдаланишда катталар уёқда турсин, ҳатто ёшлар ҳам қийналишади. Китобча-пултнинг ҳар саҳифасида санокли тугмалар жойлашган бўлиб, улар бошқаришни жуда осонлаштиради.



ФИРРОМ РАҚОБАТ


Компютер хавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, аксарият ўзаро рақобатда бўлган компаниялар бир-бирларига қарши курашишда кибержиноятчилардан фойдаланишаркан. Ҳакерлар DoS-ҳужумлар, яъни катта микродориди зарарли саволлар оқимини йўллаш орқали серверларни ишдан чиқаришади.

Шунингдек, виртуал рэкетчилар ҳам пул ундириш мақсадида Интернет-дўконлар, йирик чакана савдо тармоқлари сайтлари ва айниқса, онлайн казиноларга бу тарздаги ҳужумларни жуда кўп уюштиришяпти.

WINDOWSНИ ФАОЛЛАШТИРМАНГ!

Symantes компанияси оғоҳлантиришича, глобал тармоқда "курбонлари" ҳақидаги махфий маълумотларни ўғирлашга ҳаракат қилувчи зарарли Karpdphisher дастури пайдо бўлган.

Karpdphisher трояни Windowsни фаоллаштириш тизими остида ниқобланган. У компьютерда ўрнашиб олганидан сўнг қаттиқ дискада keylog.dll номли файл яратди ва амалиётлар тизими рестрига бир қатор ўзгаришлар киритади. Сўнгра зарарли дастур экранда "Microsoft piracy control" сарлавхали диалог ойнасини очади ва фойдаланувчига Windowsни қайта фаоллаштириш зарурлиги тўғрисида хабар беради. Фойдаланувчи фаоллаштириш жараёнидан бош тортса компютер ўчиб қолади. Мабодо юқоридаги талаб бажарилса, экранда ўзига хос анкета пайдо бўлади ва бошқа маълумотлар қаторида кредит карта номи ва рақами кўрсатиш сўралади. Табиийки, жўнатишган анкета Microsoftга эмас, балки фирибгарлар қўлига бориб тушади.



ЁНФИН ЎЧИРИЛДИ, АЙБДОР ТОПИЛМАДИ

Шу ойнинг бошларида қўтилмаганда АҚШдаги Internet2 тармоғи ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Кейин аниқланишича, Нью-Йорк ва Бостон шаҳарларини боғловчи юқори тезликдаги магистрал линия шикастланган экан.

NetworkWorldнинг хабар беришича, Internet2 тармоғига Лонгфеллоу кўприги остида содир бўлган ёнғин шикаст етказган. Ёнғинга маҳаллий бомж (уйсизнинг) сигарета қолдигини ўчирмай кетганлиги сабаб қилиб кўрсатилляпти. Олов кўприк таянчлари орқали тепага кўтарилиб коммуникация кабелларини, шунингдек, метро тармоқларидан бирини электр қуввати билан таъминловчи электр кабелларини қуршаб олган. Ёнғин вақтида бартаф этилгани боис, зарар микдори унчалик йирик бўлмади, воқеа айбодори ҳақида эса ҳеч қандай маълумот тарқатилмаган.



Орол умидлар остонасида

Орол муаммоси йилдан-йилга мумкин қадар ўз ечимини топаётган бўлса-да, экологик глобал муаммо сифатида жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Яқинда Германиянинг Оснабрюк шаҳрида "Орол денгизи ҳавзасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда балиқчиликни ривожлантириш имкониятлари" мавзуга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Германия федерал экология жамғармаси ва Оснабрюк университети экология тадқиқотлари маркази томонидан ташкил этилди.

Анжуман ишида Ўзбекистон, Германия, Нидерландия, Россия ва Қозғоғистондан келган балиқчилик ҳамда сув муаммолари эколог-олимлари ва мутахассислари иштирок этишди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сув муаммолари институти ва Германия федерал экология жамғармаси ҳамкорлигида Оснабрюк ва Кил шаҳарлари университетларининг кўмаги билан 2006 йилда амалга оширилган "Орол денгизи ҳавзасига туташ тизимларда балиқчилик ривожининг техник-иқтисодий асослари" мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳасининг якунларини таҳлил этдилар. Шунингдек, эколог-олимлар олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга кенг жорий этиш имкониятларини ҳам муҳокама қилишди.

Илмий ҳамкорликни амалга оширишга катта ҳисса қўшгани учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув муаммолари институти директори Э.Махмудов Оснабрюк университети профессори Г.Льетта фахрий профессорлик унвонини бериш тўғрисидаги дипломни тантанали равишда топширди.

— Биринчи босқичдаги вазирамиз экологик вазиятга зиён етказмаган ҳолда Ўзбекистон шароитида Германия технологияларини қўллаш орқали балиқчиликни ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан иборат бўлди, — дейди Оснабрюк университети Табиати ўрганиш илмий-тадқиқот институти директори, профессор М.Маттисес. — Технологик изланишлар натижаларига кўра, Ўзбекистонда сув акваториясини кенгайтириш йўли билан нафақат балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини, балки уларнинг турларини ҳам икки баробаргача ошириш мумкин.

Тадбир иштирокчиларига "Орол умидлар остонасида" номли ҳужжатли филм намойиш этилди. Минтақадаги экологик вазият, шунингдек, бу ерда истиқомат қилувчи аҳолига муносиб шарт-шароитларни яратиш юзасидан мамлакатимиз ҳукумати амалга ошираётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Оснабрюк шаҳридаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган балиқ урчиш ҳавзаси — "Аренхорстер Еделфиш"да ҳам бўлдилар.

Гулрух НЕЪМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент молия институти талабаси



Кейинги қисқа давр мобайнида музей экспонатлари 5 мингтага кўпайиб, жами 33 мингтага етди.

Музей раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Исмоил Ботировнинг таъкидлашича, интернетда ўз веб-сайтига эга бўлингач, ҳамкасблар учун халқаро алоқа эшиги очилди. Франция, Туркия, Канада Давлат музейлари ходимлари биринчи ҳамкорларга айланишди. Улар электрон почта орқали билдирган ёзишмаларида Термиз археология ҳаётидаги янгиликларини мунтазам кузатиб боришга тўғри келганини ва бундан мамнун бўлишга тўғри келганини эътироф этишган. Энг муҳими, интернет орқали қўйилган кўприк сайёҳлар сафи кенгайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Термиз археология музейининг интернетда ўтказилган Жаҳон музейлари кўрик-танловида иштирок этгани нуфузини оширишда, айниқса, катта аҳамият касб этди. Асосий гап бутун дунё миқёсида йигирма олтинчи ўрин (веб-сайтлар мазмундорлиги бўйича) эгалланганида эмас, балки мозийга мансуб меросларини ўзгача қизиқиш уйғотганлигида бўлди.


Маълумки, Австралияда жаҳон музейлари ҳақида тезкор маълумотларни ёритадиган махсус нашр бор. Интернетда берилган халқаро музейлар кўрик-танловидан сўнг, унинг бир неча саҳифаси Марказий Осиё давлатлари ҳаётига бағишланди. Эътиборли жиҳати шундаки, нашр Термиз археология музейи фаолиятига салмоқли ўрин ажратди.

Термиз археология музейига ташриф буюрсангиз, худди театр сахнасида яхши спектакл кўриб чиққан муҳлис каби ўзингизни қушдек энгил ҳис этасиз. Эрамиздан аввалги ва эрамиздаги неча-неча асрлар акси кўз ўнгингиздаги осориатқаларда шундай сезилиш туради. Тилсиз топилмалар сизни беихтиёр ўтмишга етаклайди.

Музейдаги тўққизта асосий залнинг бири — жез (бронза) даврига бағишланган. Маълумки, у инсониятнинг юксалиш даври сифатида тарихга кирган. Жез асрига келиб шаҳарлар шаклландан, давлатчилик ташкил топган ва қурилиш соҳаси миллий меъморий андозалар асосида ривожланган. Шерободда-

Термиз археология музейи беш йилдирки, қадимий шаҳар кўркига кўрк бахш этиб турибди. Марказий Осиёда ягона бўлган бу маънавият маскани бевосита муҳтарам Президентимиз ташаббуси ва лойиҳаси асосида бунёд этилган истиқлол иншооти саналади.

Осориатқаларда — асрлар акси



ги Жаркўрғон ёдгорлигидан топилган муҳр давлатчилигимиз тарихидан сўйлаб турибди. Дарвоқе, у раванқ калити бўлган, қонун-қоидалар қудратига хизмат қилган. Музработдаги Сополлитепадан ва Шўрчидаги Жойшма қишлоғидан топилган юлдуз ҳамда илон тасвири туширилган муҳрлар ҳам жез даври ёдгорлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, аёллар зебу зийнатлари, бронзадан ясалган ойна, мих ва бошқа ашёлар ўтмишдошларимиз ҳаётини эслатиб турибди. Яна бир топилма беихтиёр диққатингизни тортиши табиий. Шерободдаги Жаркўрғон ёдгорлиги бўлган илоҳий идишга туширилган "Хумо куши" тасвирини кўриб, шубҳасиз, халқимиз азал-азалдан бу табият неъматига бахт-икбол куши деб қараб келган экан", деган фикр кўнглингиздан кеначи. Ваҳоланки, у мустақил мамлакатимиз Давлат гербига бугун бекиёс чирой бахш этиб турибди.

Қувонарлиси, музей албомида ёзиб қолдирилган эсдаликларда жез (бронза) даври осориатқалари ҳақидаги мулоҳазалар алоҳида ўрин тутади. Далил учун яқинда музейда бўлган Чехия ташкил ишлар вазирининг ўринбосари Ярослав Бастанинг ёзиб қолдирган дил сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир. "Термиз археология музейи ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган инсоният тарихи ҳақидаги фикрни тубдан ўзгартичилик ташкил топган ва қурилиш соҳаси миллий меъморий андозалар асосида ривожланган. Шерободда-

бормоқда. Ўзбек-Япон экспедицияси Қоратела ва Кампиртепада, Ўзбек-Чехия экспедицияси Жондавалт тепада, Ўзбек-Россия экспедицияси эса Бандихондаги Майдадепада илмий-қидирув ишларини олиб боришмоқда. Ўз навбатида, Термиз археология музейи илмий ходимлари ҳам Термиз Давлат университети қадимшунос олимлари иштирокида қатор изланишларни йўлга қўйишган. Улар Шеробод туманининг Пошкўрд ва Тўпор қишлоқларидаги Тиллабулоқ ёдгорлиги ҳамда Қайрағочтепа мақбарасида археологик қазув ишларини давом эттиришмоқда. Топилмалар музей экспонатлари қаторидан ўрин оляпти. Музей ходимлари Термиз туманидаги қадимий манзилгоҳ — Солибод қишлоғидаги Толлитоғора ёдгорлигида ҳам иш бошлашни режалаштиришган.

Бир сўз билан айтганда, Термиз археология музейи жамоаси аънавий халқаро музейлар кунини ҳар томонлама ёруғ юз билан кутиб олишмоқда. Байрамдан байрамгача бўлган даврда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган республика музейлари фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи арафасида ўз экспонатларини намойиш этиб, "Энг нобэк экспонатлар эгаси" номинацияси бўйича республикада биринчи ўринни эгаллади. Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейини тўққизта экспонат билан бойитгани ҳам ҳамонанинг ютуғи ҳисобланади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фаргона Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари ходимлар — **Одил МАДАЛИЕВ**ни 60 ёши, **Шарофат АҲМАДАЛИЕВ**ани 55 ёши, **Хурматай ИСЛОМОВА**, **Лолахон НОМОЗОВА**, **Маъмиржон СОТВОЛДИЕВ** ҳамда **Дадақўзи БОТИРОВ**ларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, хонадонларига файзу барака тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали Ровон почта алоқаси тармоғи жамоаси бошлиқ ўринбосари **Абдураҳим АБДУРАҲМОНОВ**ни 55 ёши билан табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзи-Қарши" филиали жамоаси филиали электромеханиги **Людмила МЯСНИКОВА** ҳамда мижозлар билан ишлаш бўлими ассистенти **Мария АБАЙДУЛЛИНА**ни таваллуд топган кунлари билан муборакбод этиб, уларга узоқ умр, тансиҳатлик тилайди. Ҳаётингизда қувончли кунлар мудом кўп бўлсин.

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Когон тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Музаффар ЖУМАЕВ**ни 50 ёши билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, барча орзу-умидлари амалга ошишини тилайди.

OBUNA-2007

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Хабар»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар жамоаларининг Ижтимоий ҳимоя йилга бағишланган уч босқичли республика спартакиадаси дастлабки босқичи уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

“ЎИ-Қарши” филиалида старт олган мусобақаларда 77 нафар алоқачи ходим иштирок этмоқда.

Стел тенниси бўйича мусобақада 21 нафар иштирокчи қатнашиб, улар орасидан филиалнинг етакчи муҳандиси Абдуқоҳор Дўстқобилова тенг келадигани топилмади. Филиалнинг техник директори ўринбосари Владимир Абдурахмонов ҳамда менежер Жасур Бердиевлар кейинги ўринларни банд этишди. Шашка бўйича эса 223-АТС электромонтери Абдували Саидқулов голиб деб топилди.

Шахмат бўйича ўтайтган мусобақада 225/40 АТС участка бошлиғи Шоназар Бегимкулов, мини-футбол мусобақаларида эса электр таъминоти бўлими жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Спортнинг бу икки тури голиблари ҳафта охирида маълум бўлади.

Афтондил ИСМОИЛОВ

МУҲИМ ҒАЛАБА

Осиё яшил майдонларида «Пекин-2008» саралаш босқичи гуруҳ баҳсларининг 5-тури ўтказилди. Унда Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари меҳмони бўлди. Ушбу баҳс гуруҳнинг кейинги босқичга чиқадиган иккинчи жамоаси номига аниқлик киритиши лозим эди. Шу сабаб ғалаба ҳар иккала жамоа учун ҳам сув ва ҳаводек зарур эди.

Дастлабки дақиқаларда мезбонлар устунлик қилган бўлса, биринчи бўлимнинг ўрталаридан бошлаб ташаббус тўлиқ вакилларимиз қўлига ўтди. Натижада Вадим Абрамов шогирдлари рақиблари дарвозасини икки бор ишғол қилиб, муҳим ғалаба билан ортага қайтишди.

БАА о.т.ж. – Ўзбекистон о.т.ж. – 0:2.

Голлар: Ш.Саломов, 37; Ф.Тожиёв, 51.



ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЯРИМФИНАЛДА

Японияда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилмоқда.

Осиёнинг амалдаги вице-чемпиони – Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ ўйинларини кичик сенсация билан бошлади. Биринчи учрашувда Ироқ терма жамоасига қарши майдонга тушган вакилларимиз кутилмаганда 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Таиланд футболчилари Кувайт терма жамоасини 8:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Иккинчи тур ўйинида Шавкат Абдураимов шогирдлари Кувайт терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Биринчи турдаги мағлубиятдан тўғри хулоса чиқарган терма жамоамиз кувайтликларга ҳеч қандай имконият қолдирмади – 4:0. Ироқ ҳамда Таиланд терма жамоалари ўртасидаги учрашув 7:4 ҳисобида таиландликлар фойдасига ҳал бўлди.

Гуруҳнинг сўнги учрашуви жуда шиддатли кечди. Ўзбекистон терма жамоаси ҳал қилувчи учрашувни Таиланд термасига қарши ўтказди. Унда вакилларимиз асосий рақибларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва гуруҳ пешқадамига айланди.

«В» гуруҳидаги иккинчи учрашувда гуруҳ аутсайдери Кувайт терма жамоаси кутилмаганда ироқликлар устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Кеча чемпионатнинг чоракфинал босқичи ўтказилди. Унда Шавкат Абдураимов шогирдлари ён қўшимиз Тожикистон терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Учрашув 3:1 ҳисобида ўзбекистонлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Терма жамоамизнинг яримфиналдаги рақиб Австралияни 8:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Эрон термаси бўлади.



© 2007 Asian Football Confederation

«СЕВИЛЯ» – УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ

Чоршанба оқшомида УЕФА Кубоги учун финал баҳси бўлиб ўтди.

Финалда икки испан жамоаси – «Севиля» ва «Эспаньол» ўзаро баҳс олиб борди. Қизиқарли кечган учрашувнинг асосий вақти 1:1, ҳакам томонидан қўшиб берилган вақти эса 2:2 ҳисоби билан ўз якунига етди. Пеналтилар сериясида омад «Севиля»га қулиб боқди – 3:1.

Шундай қилиб, Хуанде Рамос шогирдлари кетма-кет иккинчи бор УЕФА кубоги соҳибига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми»нинг 49-бандига асосан, қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши лицензияларнинг аризаларига асосан 2007 йил 14 майдан тўхтатилди:

«Одиссей-КТВ» масъулияти чекланган жамиятнинг (Нукус шаҳри) теледастуриш тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001773 рақамли;

«АБДУЛАЗИЗ М» хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000413 рақамли;

«PLAZMA SERVIS PLUS» хусусий корхонасининг (Самарқанд шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001524 рақамли;

«ZIKR-AJR» хусусий корхонасининг (Самарқанд шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001690 рақамли;

«S.A.INTERNATIONAL» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000583 рақамли;

«FORTUNA FORUM» хусусий корхонасининг (Андижон шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001458 рақамли;

«M.C.Food Processing Co» Ўзбекистон-Саудия Арабистони қўшма корхонаси қошидаги «MS.AL-WADY» шўъба корхонасининг (Фарғона шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001377 рақамли;

«NIVS-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000165 рақамли;

«O'KS-EKSPO» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000994 рақамли.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан телекоммуникация технологиялари факултети талабаси Бобир Юлдашевчи ШОМАҚСУДОВ номига берилган 04Т373-сонли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Қорақалпоқ Телеком» филиали Беруний туман телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама ходими **Умар АЛЛАБЕРГАНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 1

Реклама матнларининг тўғриллигига таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Адади: 9533 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақланганлиги.
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲРИЕВ.
Матн теруви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

● 15-MAY — HALQARO OILA KUNI

● YANGI NASHRLAR

Оила — юрт, жамият ривож, маънавиятнинг асоси. Агар эр ва хотин қўш устун бўлиб оила мустақамлиги учун курашса, уни ёмон кўзлардан асраб, оғир-енгли кунлардан мардона олиб ўтса, бундай гўшада юрт ривожига муносиб ҳисса қўшадиган ўғил-қизлар вояга етади.



Меҳр ва муҳаббат жавоҳирлари

Шу маънода олиб қараганда, таникли файласуф, фалсафа фаилари доктори, ёзувчи ва драматург Тилаб МАХМУДОВ ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар МАХМУДОВАларнинг оиласи ана шундай ибратли оилалардан ҳисобланади. Сценарийси бу икки ижодкор томонидан биргаликда ёзилган ва Ўзбек Миллий академик театри сахнасида тушмай келадиган, кишиларни ўйлашга, фикрлашга ундовчи, эзгуликка чорловчи "Умр шомидига бахт" ҳамда "Омонат дунё" спектакллари, шунингдек, Дилбар Махмудованинг "Ярим аср ёнма-ён" деб аталувчи адабий-биографик кассисини халқимиз маънавиятини бойитиш йўлида катта ишлардан бири дейиш мумкин.

Заҳматкаш ижодкор Дилбар Махмудова билан ана шу асарларнинг яратилиши жараёни, уларнинг ёзилишига сабаб бўлган воқеалар, оила мустақамлиги ҳақида сўхбатлашдик.

— Дилбар опа, аввало "Умр шомидига бахт" ҳақида гапашасак. Бу асарнинг ёзилишига нима туртки бўлди?

— 2002 йилнинг баҳори. Тошкент шаҳари ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова мени йўқлаётганини айтиб қолишди. Борсам, унинг хонасида ҳамкасб сингилларим Кутби Носирова билан Муҳаддас Абдусаматовлар ҳам бор экан. Салом-алиқдан сўнг: "Бир муҳим масалада ёрдамнингиз керак бўлиб қолди. Сизларни маслаҳатга чакиргандим, — деди Фарида Абдурахимова. — Уларнингизга маълум, шаҳар ҳокимлиги янги истеъодларни кашф этиш масаласига катта аҳамият беради. Бизга драматик асарлар керак. Яхши сценарий, пьесалар, режиссёрлар бўлса яхши бўларди. Нима дейсиз, Дилбар опа?"

"Бу борада сизга ёрдам беришим қийин, — дедим хижолатлик билан. — Қолаверса, бу соҳанинг ўз одамлари бор... Яхши режиссёр керак бўлса, Қахрамон Саъдуллаев билан яқинлигимиз бор. Хоҳласангиз, у кишининг телефонини беришим мумкин".

Эртасига Фаридахон Қахрамон акага телефон қилиб, нима иш билан бандлигини сўраганида, у менинг "Ёлғизнинг ёри" публицистик мақолам устида ишлаётганини айтибди ва мақолани олиб келибди. Мақола Фарида Абдурахимовага маълум тушган.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Фаридахон мени йўқлаб қолди. "Ёлғизнинг ёри"ни ўқидим. Ажойиб мақола ёзган экансиз, — деди у. — Шунинг пьесасига айлантириш ҳақида ўйлаб қўлинг".

Икки-уч кун ҳаракат қилиб кўрдим. Чикмади. Бу ишга Тилаб акамни жалб қилгач, ишларимиз юришиб кетди. Ва имон, диёнат ҳақидаги, меҳроқибат ҳар нарсадан қимматлигини ўзида акс эттирувчи асар дунёга келди. Унинг элга манзур бўлишида фикримизни тўлиқ халққа етказган санъаткорлар — Аваз ота родини маҳорат билан ўйнаган Пўлат Носиров, Хадичабону родини қойиллатиб ижро этган Гулчеҳра Иброҳимбековалардан миннатдоримиз.

— "Омонат дунё"ни ҳам бирга ёзганмисизлар?

— Боя айтганимдай ажойиб режиссёр Қахрамон Саъдуллаев билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бир кун Қахрамон ака Тилаб акамнинг "Имтиҳон" ҳикояси жуда ёққанлигини, ҳикоядан ёшлар тарбиясига оид, замонавий мавзудаги драматик асар чикариш мумкинлигини айтиб, шу ишга ундай бошлади. Тилаб Махмудовнинг бу иш устида қийналган, сиқилган кунлари ҳеч қачон эсимдан чикмайди. Одатда у киши ёзган асар ўзларига ёқмагунча, кўнгиллари тўлмагунча ёзаврадидилар, ёзаврадидилар. Ижод "тўлғоғи" қийнаб ташла-



«Омонат дунё» спектаклидан лавҳа

са-да, максалларидан қайтмайдилар. Икки бетлик бу ҳикоянинг 42 бетлик драма даражасига етишида ҳам шундай бўлди. Пьесани ўзлари ўқиб берганларида, қувонганимдан ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим. Тўғриси, пьесанинг муваффақиятли чикшиши бошда у қадар ишонмаган эдим. Драмани кейинчалик яқин танишларимизга ўқиб бериб, улар фикри асосида яна тўлдирдилар. Бир кун хоналарига кирсам, ўша драма солинган папка устига "Қилмиш-қидирмиш" деб ёзиб қўйибдилар. Менинг ажабланиб қараганимни кўриб, бу шартли сарлавҳа, ҳақиқийси чиқиб қолар, дедилар. "Пайсалга солиб нима қиласиз, — дедим кулиб. — Ҳозир қўйиб қўя қолинг". Сўнгра "Омонат дунё" ҳикоялар тўпла-

мига ишора қилдим. Ахир, сарлавҳа мана-ман, деб турибди-ку! "Омонат дунё" ден... — дедилар ўйланиб. — Ҳечқиси йўқ. Ўз ўрнида ишлатилган сўзни минг бор такрорлаш меъдага тегмайди, бу ном пьесадан кўтарилган муаммога жуда мос тушади".

Шу тарика қувониб, асар муаллифи учун қолдирилган жойга иккимизнинг исми-шарифимизни ёзиб қўйдилар. Табиийки, мен бунга қаршилик қилдим. Лекин кўнмадилар. "Бу пьесанинг ёзилишида хизматингиз катта, — дедилар Тилаб акам. — Сиз мен учун ойнасиз. Бу ойнада мен ўзимни кўраман. Гап ёзишда эмас. Фикр ҳам, маслаҳат ҳам, муаллифини тинглаш ҳам, тинглаётгандаги кайфият ҳам ёзувчига таъсир қилади".

— "Ярим аср ёнма-ён" китобида нафақат турмуш ўртоғингиз, балки жуда кўп таниқли инсонлар, расомлар, санъаткорлар ҳақида ҳам ёзиб-сиз. Китобга нима асос бўлган?

— Бу китоб аслида менинг 20-30 йил давомида ёзиб юрган кундаликларим акс-саҳоси. Бир ижодкор сифатида турмуш ўртоғимнинг Тошкентда, Москвада ўқиган, 25 йил Ўзбекистон расомлар уюшмаси раис ўринбосари бўлиб ишлаган, номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимояси, қатор бадий асарларини ёзиш жараёнидаги кузатувларим, шунингдек, у кишининг ўртимизнинг таниқли кишилари билан мулоқотларидан олган таассуротларимга бир нечта дафтар тўлди. Уни аввало фарзанд ва невараларим учун китоб қилмоқчи бўлдим. Китобни ёзиб битиргач, ўқиб чиқсам, у ўзбек маданияти, санъати, драматургияси учун керакли нарсаларга ўхшаб қолди. Шу тарика ушбу китоб пайдо бўлди.

— Дилбар опа, турмуш ўртоғингиз билан ярим асрга яқин бирга яшадингиз ва бир-бирингизга бўлган муносабатга кўпчилик ҳавас қилади. Сизлар каби ўзаро иззату ҳурматда нурунийлик оstonасига қадам қўйиш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Оила юритиш ҳам санъат. Жамият равнақи оилалар мустақамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ота-оналар фарзандларини нафақат касб-корга, балки оила тебратиш маҳоратига ҳам ўрганиб боришлари лозим. Ўғил болалар мустақил иш юритадиган, рафикаси, фарзандлари соғлиғи, фаровон яшаши учун масъулиятни хис қиладиган бўлиб вояга етишса, қизларимизни қўлидан иш келадиган, тежамли, саранжом-саришта қилиб тарбияласак, улар келажакда қийналишмайди. Ва энг муҳими, ўзаро муносабатда ҳурматни сақлай билиш лозим. Шунда қолгани ўз-ўзидан аяқланиб кетаверади.

“Чиройлисан тенги йўқ”

Мухаммад ИСМОИЛ машаққатли изланишлар олиб бораётган ижодкор. У бир неча бадий филмлар сценарийларини яратди, ўнлаб кўрсатувлар, телевизион новеллалар, лирик этюдлар, ҳужжатли лавҳалар ва саёхатномалар ёзди. Қайси жанрда ёзмасин, самимийлигига, шоирона назар билан оламдан гўзаллик ахтариш эътиқодига, маслағига содиқ қоляпти. Ушбу фикрларга унинг шу кунгача ёзилган "Сизни севмай бўладими", "Баҳорнинг энг сўнгги лосоди", "Тазарру саодати", "Сиз ҳамон ўшасиз", "Саҳроий гуллар" китоблари ҳам гувоҳлик бера олади.



Шоирнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган "Чиройлисан тенги йўқ" номли янги китоби муштарийларга мактуб тарзида ёзилган. Ёзувчи ўз кечинмаларини, кўнгил изтиробларини, дарду ўйларини ўқувчи билан бевосита сўхбатлашаётгандай, ҳасратлашаётгандай самимий ихор қилишга ҳаракат қилади. Китобни кўлга олиб ўқий бошлаган заҳотингиз у ўзини эмас, сизнинг дунёнингиз, сизнинг севагингиз, сизнинг меҳрингиз, кечинмаларингиз ҳақида қалам тебратаетганига гувоҳ бўласиз.

Яқинда "Шарқ зиёкори" китоблар марказида Мухаммад Исмоилнинг "Чиройлисан тенги йўқ" китоби тақдими бўлиб ўтди. Тақдиротда Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, шоирлардан Бобур Бобомурод, Турсун Али, Рустан Мусурмон, Тўлқин Ҳайит ва бошқа кўплаб ижодкорлар қатнашдилар. Шоир шеърларининг ижрочилари Сарвара, Ёдгор Мирзажонов, Ирода, Афсона, Отабек Муталхўжаевлар сўзга чиқиб, шеърлардаги Ватан туйғуси, унга интилиш ҳисси юракка яқин туйғулар билан ифодаланишини таъкидладилар, Мухаммад Исмоил сўзи билан айтилган қўшиқлардан ижро этдилар.

Шоира Ойдин Ҳожиева китобнинг номи ўзига хос ва мос танланганлиги ва Мухаммад Исмоил асарларининг оҳанрабоиси борлиги, шоирнинг насри ҳам назм каби ўқилиши ҳақида гапирди. Омон Матжон Мухаммад Исмоилнинг шеърлари орасидан "Дуо" шеърини юқори баҳолади.

Тошкент солиқ касб-ҳунар коллежи "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи Дилором Дадабоева сўзга чиқиб, шоир ижоди ҳақида ўз фикрларини баён этди. Мухлислар шоирнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, устозлари ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

Мазкур китобни алоқа соҳаси ходимлари ҳам севиб ўқидилар, деб ишонамиз.

Назира ЖўРАЕВА,
Башорат ОТАЖОНОВА

ҲИҚМАТ

Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарсалар милёнлар ила саналмақда бўлган аскарлар дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки... оиладир.

Ризоуддин ибн ФАҲРИДИН

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди



ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?...
БУ БОРАДА ЖОЙЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КАНДАЙ ОЛИБ
БОРИЛЯПТИ?
БУ ҲАҚДА ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИМИЗ ХАБАР БЕРИШАДИ...